



МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

- *Юксак орзулар ҳақида*
- *Мукамалликка интилиш*
- *Доимий ўқиш ва ўрганиш*
- *Тезкор ва ишончли бўлиш*
- *Муваффақиятсизликлардан чўчимаслик*
- *Ўзига ишонч ва ҳаракатчанлик*

«Хушсифат ва яхши хулқлар билан зийнатланмаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди. Ернинг зийнати илм эгалари билан, кўкнинг зийнати эса юлдузлар биландир. Илм бир тоғ мисолдир. Бу тоғдан ошув кўп душвордир, тушув эса осондир»

Абулкосим Замаҳшарий

*«Ўқиб-ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг
фарқига ета оламан деган одамни
тентак деб билмоқ керак»
Суқрот ҳақим*

Муваффақият калити. Тошкент: ТМИ, 2015 йил, 52 бет.

АННОТАЦИЯ

Ушбу китоб ўз меҳнати туфайли бой-бадавлат бўлган инсонлар ҳақида кўп йиллар давомида тўпланган ва турли-туман оммавий ахборот воситаларида келтирилган материаллар асосида ёзилгандир. Унда бойликка эришиш муаммосига бағишланган кўплаб китоблар ва интернет тизимидаги минглаб мақолаларни ўқиш натижасида топилган асосий ғоялар, фикрлар ва стратегиялар келтирилади. Ушбу барча ғоя ва стратегиялар уларни дархол ўрганиш ҳамда ҳаётда қўллаш мумкин бўлиши учун оддий, текширилган, исбот қилинган ва қулай ҳолда келтирилган.

Китобча бойликка эришишнинг асосий усуллари ва кўпчиликка маълум бўлмаган сирларини ўрганмоқчи бўлган барча ўқувчи-талабалар, китобхонлар ва тадбиркорлар учун мўлжалланган.

«Яна бир ҳикмат бор: ҳазрати Одам -
Билим, ақлу идрок сабаб, муҳтарам».
«Қутадагу билиг» дан

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	5
КИРИШ: БИЗНЕСДА САБАБ ВА ОҚИБАТ ҚОНУНИ	7
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 1-СИРИ: БУЮК ИШЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАНГ	10
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 2-СИРИ: МАҚСАДИНГИЗНИ АНИҚ ВА РАВШАН ИФОДАЛАБ ОЛИНГ	13
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 3-СИРИ: ФАҚАТ ЎЗИМ УЧУН ИШЛАЯПМАН ДЕБ ҲИСОБЛАНГ	16
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 4-СИРИ: ЎЗИНГИЗ СЕВГАН ИШНИ БАЖАРИНГ	18
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 5-СИРИ: ДОИМО МУКАММАЛЛИККА ЭРИШИШГА ИНТИЛИНГ	19
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 6-СИРИ: ИЛОЖИ БОРИЧА КЎПРОҚ ВА ТИРИШҚОҚЛИК БИЛАН ИШЛАНГ	21
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 7-СИРИ: БУТУН УМР ДАВОМИДА МУТТАСИЛ ЎҚИНГ ВА ЎРГАНИНГ	23
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 8-СИРИ: АВВАЛО ЎЗИНГИЗГА ТЎЛАНГ	25
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 9-СИРИ: ЎЗ ИШИНГИЗ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎРГАНИБ ЧИҚИНГ	28
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 10-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАЛАР УЧУН ҲИЗМАТ ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГ	29
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 11-СИРИ: ЎЗИНГИЗ ВА БОШҚАЛАР БИЛАН РОСТГУЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИНГ	31
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 12-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИНГ ҲАЁТДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИНГИЗНИ АНИҚЛАБ ОЛИНГ ВА БУТУН КУЧИНГИЗНИ УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИНГ	33
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 13-СИРИ: ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ ҲИЗМАТЧИ ДЕГАН ФИКР ҲОСИЛ ҚИЛДИРИНГ	35
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 14-СИРИ: БИР ЧЎҚҚИДАН БОШҚА ЧЎҚҚИГА КЎТАРИЛИШГА ДОИМО ТАЙЁР БЎЛИНГ	36
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 15-СИРИ: БАРЧА ИШЛАРИНГИЗДА ЎЗ-ЎЗИНГИЗНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ОДАТ ҚИЛИНГ	37
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 16-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИНГ ТАБИИЙ ИЖОДИЙ ИМКОНИАТЛАРИНГИЗНИ УЙҒОТИНГ ВА ИШГА ТУШИРИНГ	39
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 17-СИРИ: ЎЗИНГИЗ ЁКИ ИШ ФАОЛИЯТИНГИЗ УЧУН КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНСОНЛАР БИЛАН КЎПРОҚ БИРГА БЎЛИНГ	41
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 18-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИНГ СОҒЛИҒИНГИЗГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ	44
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 19-СИРИ: ФАОЛ, ҚАТБИЙ ҚАРОРЛИ ВА ҲАРАКАТЧАН ИНСОН БЎЛИШГА ИНТИЛИНГ	46
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 20-СИРИ: МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК ҚАБУЛ ҚИЛИНА ОЛИНАДИГАН ВАРИАНТ БЎЛИШИГА ҲЕЧ ҚАЧОН ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ	48
МУВАФФАҚИЯТНИНГ 21-СИРИ: ТИРИШҚОҚ ВА ИНТИЛУВЧАН БЎЛИНГ	50

*«Илм ҳам боқийдир, ҳам абадий у,
Илмдан бошқаси саватдаги сув.
Илмсиз киши нима? Ҳайвон эрур,
Жонсиз тана, бир нақшсиз айвон эрур».*
Абдулла Авлоний

С Ў З Б О Ш И

Ушбу китоб ўз меҳнати туфайли бадавлат бўлган инсонлар ҳақида муаллиф Брайан Трейси томонидан кўп йиллар давомида тўпланган материаллар ва унинг шахсий тажрибаси асосида ёзилгандир. Кейинги саҳифаларда унинг бойликка эришиш муаммосига бағишланган юзлаб китоб ва минглаб мақолаларни ўқиши натижасида топилган асосий ғоялар, фикрлар ва стратегиялар келтирилади. Ушбу барча ғоя ва стратегиялар уларни дарҳол ўрганиш ҳамда ҳаётда қўллаш мумкин бўлиши учун оддий, текширилган, исбот қилинган ва қулай ҳолда келтирилган. Муаллиф ёши ўттизларга борганда, ҳаётини батамом ўзгартириб юборган бир ечимга келдим. У нега баъзи инсонлар бошқаларига кўра кўпроқ муваффақиятларга эришадилар, бунинг сир-асрорлари нималарда экан - деган саволларни чуқурроқ ўрганишга киришди. Айниқса, унга баъзи бир ҳеч қандай бошланғич маблағсиз иш бошлаган тадбиркор инсонларнинг охир-оқибат бадавлатга айланишлари сирларини билиш жуда қизиқ эди. Худди шу муаммони ҳал қилиш бўйича фикрлаш уни ушбу китобчани ёзишга олиб келди. Аввало у шу нарсани билиб олдики, ҳаётда катта муваффақиятларга эришиш учун инсон қандайдир алоҳида ҳислатларга эга бўлиши керак бўлади. Кўпчиликдан ажралиб чиқиш ва улардан юқорироқ бўлиш учун ҳар бир инсон ўзида ўртамиёна инсонларда бўлмаган сифатларни ва кўникмаларни ривожлантириши лозим бўлади. Катта молиявий муваффақиятга эришишнинг асосий сабаби пул ҳам, бошланғич капитал ҳам эмас экан. Энг асосийси – шундай катта миқдордаги пулларни ишлаб топиш ва уларни сақлаб қолиш учун сиз қандай шахс бўлишингиз кераклигидир. Бу китобда келтирилган *«муваффақиятга эришиши сирлари»* меҳнат фаолиятингиз давомида канча пул ишлаб олишингизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаётнинг ҳар

кандай жабҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришиш учун ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади. Бу ерда ёритилган муваффақият тамоиллари шу қадар қувватлики, улардан сиз учун муҳим бўлган исталган мақсадга эришиш учун фойдаланишингиз мумкин. Албатта бу ерда келтирилган усуллар ва қоидалар сизга танишдек туюлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, юзлаб йиллар давомида турли хил инсонлар уларни кашф қилганлар, унутганлар ва яна қайтадан кашф қилганлар. Муаллиф ўзига бутунлай янги бўлган омадга эришиш тамоилларини яратадиган жуда ҳам доно ва олим одам сифатида эмас, балки муваффақият сирларини ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳолисона ўрганадиган ва уларни имконият даражасида бошқаларга етказадиган бир киши сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам у олим Экклесиаст айтган бир доно сўзга ишонади: *«Барча янги нарсалар яхшилаб унутилган эски нарсалардир»*.

Ҳозирда бу китобни ёзган муаллиф Брайан Трейсининг китоблари, аудиокассеталардаги ва компакт дисклардаги ўқув дастурлари ҳамда видеокассеталардаги семинарлари 20 та тилга ўгирилган ҳамда жаҳоннинг 38 мамлакатида тадбиркорлар томонидан ўрганилади. Брайан ўртача қобилиятга эга бўлган инсон жуда катта фойдаланилмаётган имкониятлар ҳамда потенциалга эгалигига қатъий ишонади ва агар улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳаётларида катта муваффақиятларга эришган бошқа инсонлар томонидан қўлланиладиган тамоилларни ишлатсалар, эзгу мақсадларига анча тезроқ етишадилар деб уқтиради. У ўз ғояларини дунёнинг 23 мамлакатидаги икки миллиондан ортиқ инсонга таништиришга муваффақ бўлган ва унинг ўзи ҳам ушбу ғоялар ва тамоиллар билан ҳамоҳанг яшаб, уларни амалиётга тадбиқ қилган. Натижада минглаб инсонлар ушбу бизнес тамоилларни ўз ҳаёт фаолиятларида қўллаган ҳолда, катта муваффақиятлар ва ривожланишга эришишганлар. У бизнесда муваффақиятга эришиш ҳақидаги деярли барча янги ва қизиқарли маълумотларни тўплайди ҳамда уларни ижодий равишда қайта ишлаб, кўпчиликка етказишга ҳаракат қилади. Брайан Трейси бизнесда муваффақиятга эришиш муаммоларини ўрганиш ва уларни оддий инсонларга

етказиш бўйича дунёдаги энг кўзга кўринган муаллифлардан бири бўлиб ҳисобланади. Агар сиз ушбу китобни ўқишни бошлаган бўлсангиз, демак сизнинг энг катта орзуларингиздан бири – ўзингиздаги яширин имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда келажақда бой-бадавлат, обрў-эътиборли ва таниқли инсон бўлишдир. Бу рисолада келтирилган муваффақият сирларининг ҳар бири сиз интилаётган ажойиб ҳаёт тарзига тезроқ эришишингизга кўмак беради. Сизга бу жабҳада омад ва каттадан-катта муваффақиятлар тилайман!

КИРИШ: БИЗНЕСДА САБАБ ВА ОҚИБАТ ҚОНУНИ

*«Дунё турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир.
Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат
бошқаларга поймол бўлур»
Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ушбу китобда келтирилган ва сиз ўрганмоқчи бўлган бизнес сир-синоатлари ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Чунки бу гоёлар ва стратегиялар кўп йиллар давомида миллионлаб бой ва камбағал, ёш ва қари аёл ва эркакларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб, улар учун молиявий муваффақият калити бўлиб ҳизмат қилган. Бу тамоиллар оддий, самарадор ва фойдаланиш учун жуда қулай. Улар кўплаб марта синов ва текширувдан ўтганлар ҳамда уларнинг реал ҳаётга мослиги ва тўғрилиги исбот қилинган. Лекин уларни фақатгина ўрганиб қолмасдан, танқидий равишда амалиётда қўллашингиз ва ҳаётингизга тадбиқ этишингиз ўта муҳимдир.

Биз инсоният тарихидаги энг ажойиб ва сермахсул даврда яшайпмиз. Хозирги пайтда ҳеч вақоси йўқ инсонлар ўз ишларини нолдан бошлаб, қисқа муддатларда бой-бадавлат бўлаяптилар ва бундай ажойиб муваффақиятга эришганлар сони олдинги даврдагиларга нисбатан бағоят кўп миқдорни ташкил қиляпти. Масалан, хозирги пайтда Америка, Россия ва Хитойда ўз кучлари ва ҳаракатлари билан бадавлат бўлган бадавлат инсонлар сони етти миллиондан ошиб кетди. Бундай инсонларнинг сони ҳар йили яна 15-20% га ортаяпти. Ҳеч кимнинг бевосита ёрдамисиз миллиардер бўлганлар сони эса

200 тага етади. Инсоният тарихида бундай тез муддатларда катта бойлик орттириш ҳолати олдинги даврларда ҳеч ҳам кузатилмаган.

Мана сиз учун яна бир янгилик – юқорида келтирилган бундай бойларнинг кўпчилиги нолдан иш бошлаган. Хозирда бой-бадавлат бўлиб юрганларнинг 90 фоизидан кўпроғи ўз ишини бошлаганда ҳамёнида жуда ҳам катта маблағ бўлмаганлиги (*ёки умуман бўлмаганлиги*) диққатга сазовордир. Ўз бойлигини ўзи яратган ҳар бир бадавлат ўртача ҳисоблаганда 3,2 марта банкрот бўлган. Кўпчилик бадавлат инсонлар катта молиявий муваффақиятга эришишларидан аввал бир неча марта муваффақиятсизликларга учраганлар. Бундай ҳолатларга бадавлат бўлиб кетган миллионлаб инсонлар дуч келганлар ва улар таслим бўлмасдан ўз ишларини давом эттирганлар. Демак, сиз ҳам муваффақият қозониш учун бундай ишларни амалга оширишингиз ва оҳир-оқибатда бой-бадавлат бўлиб кетишингиз мумкин, албатта.

Инсоният ҳаётидаги ҳеч қачон ўзгармайдиган қонунлардан бири – сабаб ва оқибат қонунидир. У жуда оддий бўлгани билан бир қаторда, жуда ҳам ажойиб хулосаларга олиб келади. Бу қонунга асосан ҳар қандай сабаб қандайдир бир оқибатни келтириб чиқаради. Демак, ҳар қандай ҳаракат натижасида қандайдир натижа пайдо бўлади. Ушбу қонун муваффақиятга эришиш тасодифий эмаслигини уқтиради. Демак, молиявий муваффақиятга ҳамда у орқали молиявий мустакилликка эришиш маълум муддат давомида бажарилган конкрет ҳатти-ҳаракатлар асосида амалга ошади.

Табиат ўз-ўзидан нейтрал бўлиб, сизни ўраб турган дунёга, бозорга ёки жамиятга сизнинг кимлигингиз ёки ким бўлмоқчилигингиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Сабаб ва оқибат қонуни қуйидагини таъкидлайди: агар сиз ўз ақли, тафаккури ва меҳнат фаолияти туфайли бойлик ва муваффақиятга эришган ақлли инсонлар қилган ишларни қилсангиз, сиз ҳам ўшалар эришган натижаларга албатта эришасиз. Ва агарда сиз бу ишларни қилишдан бўйин товласангиз, бунинг оқибатида ҳеч қандай яхши натижаларга эриша олмайсиз. Демак, агар сиз ўз ақл-заковати ва ҳатти-

харакати билан бадавлат бўлган инсонларнинг сир-асрорларини ўрганган ҳолда уларни ўз ҳаётингизга тадбиқ этсангиз, шак-шубҳасиз сиз ҳам улардек натижаларга ва ҳаётингизда катта миқдордаги мукофотланишларга эришасиз.

Лекин сиз бир нарсани доимо ёдда сақлаб қолишингиз керак бўлади: Ҳеч ким сиздан яхши ҳам эмас, ақлли ҳам эмас. Бу фикр жуда ҳам муҳим! Сизнинг муваффақиятсизлигингиз, ўзингизни жуда ҳам «арзон» сотишингиз (*уш ҳақингиз назарда тутилаяпти*) ва молиявий муваффақиятга эриша олмаётганингиз кўп жиҳатдан бошқаларни ўзингиздан ақлли, доно ва ҳаракатчан деб билишингиздир. Бу фикр жуда ҳам нотўғри ва тамоман янглиш фикрдир. Масалан, ўз кучлари билан бадавлат бўлган инсонларнинг аксарият кўпчилиги ўртача маълумотга эга бўлган оддий одамлардир. Улар ўртача оилаларда тарбия кўрганлар, ўртача мансабларда ишлаганлар, ўртача уйларда қомат қилганлар ва ўртача автомобилларда юрганлар. Лекин улар бадавлат одамлар қай тарзда ҳаракат қилишларини яхши тушуниб ва билиб олганлар ҳамда ўзлари ҳам катта натижаларга эришиш учун доимий равишда худди шундай ишларни қилганлар. Бу ерда ҳеч қандай тасодиф ёки мўъжиза деган нарсанинг ўзи йук. Демак, агарда сиз ҳам худди шундай фикрласангиз ва худди шундай ҳаракат қила бошласангиз, сиз ҳам шубҳасиз ўша бадавлат кишилар эришган натижаларга эришасиз ва охир-оқибат бадавлатга айланасиз. Худди шу ҳолат сабаб ва оқибат қонунининг оддий кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Ушбу китобчада ўз кучлари билан бой-бадавлат бўлганларнинг ажойиб самара келтирувчи сир-асрорлари келтирилади. Сизнинг моддий жиҳатдан тўла-тўқис таъминланган ва молиявий мустақил бўла олишингиз учун уларнинг ҳар бирини нафақат билишингиз, балки уларни ўз ҳаётингизда изчиллик билан қўллаш олишингиз жуда ҳам муҳим. Ушбу принципларнинг исталган бирини амалий фаолиятда қўллаш олмаслик ёки буни истамаслик бошқа сабабларга боғлиқ бўлмаган равишда сизнинг муваффақият, омад, бахт ва саломатлик сари қилган барча ҳаракатларингизни чиппақка чиқариши мумкин. Бу принципларнинг ҳар бирини кундалик амалий

машғулотлар ва кўп марталаб қайтаришлар натижасида ўзлаштириб олишингиз мумкин. Уларга оғишмай риоя қилиш сиз учун худди нафас олиш ва чиқаришдек осон бўлиб қолиши лозим. Бадавлатлар муваффақиятларининг сир-асрорларини худди велосипед хайдаш ёки машина минишни ўргангандек каби ўрганиб, уларни ўз ҳаётингизда қўллашингиз керак бўлади. Бу юмуш унчалик қийин эмаслигини ҳаётнинг ўзи сизга кўрсатади.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 1-СИРИ: БУЮК ИШЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАНГ

*“Улуғ ишлар ҳақида ўйланг,
фақат уларгина инсонларнинг қалбларига
ижобий таъсир қилиши мумкин”
Марк Аврелий.*

Ўз пулларини ўзларининг меҳнатлари натижасида топган бой-бадавлат инсонларнинг биринчи сирлари жуда ҳам оддий: *Улуғ ишлар ҳақида ўйланг!* Орзу қилишга майл кўрсатинг. Ўзингиз истаган ҳаёт ҳақида фикран орзу қилиб кўринг ва уни кўз олдингизга келтиринг. Қанча пул ишлашни хохлашингиз ва банк ҳисоб рақамингизда қанча пул бўлиши кераклиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Барча буюк аёл ва эркеклар муваффақиятга томон бўлган ўз хатти-ҳаракатларини уларда ҳозирги пайтда бўлган орзуларидан батамом фарқланувчи ажойиб орзудан бошлайдилар. Бу ҳақда америкадаги бир ашула матнида ҳам бундай деб айтилган: *«Агар орзуинг амалга ошишини истасанг, сенда буюк орзу бўлиши керак»*. Бу сўзлар нафақат ашуланинг лирик қахрамонига, балки сизга ва ҳар қандай бошқа инсонга ҳам тааллуқлидир.

Фараз қилинг, сизнинг ким бўла олишингиз, нималарга эгалик қила олишингиз ёки қандай машғулотлар билан шуғуллана олишингиз учун ҳеч қандай чегараланишлар йўқ. Фақатгина қисқа вақт давомида тасаввур қилинг – сизда вақт, пул, таълим, тажриба, дўстлар, алоқалар, заҳиралар ва шунга ўхшашлар каби ҳаётдаги сиз истаётган орзуларга эришиш учун керакли бўлганларнинг барчаси мавжуд. Бошқача сўзлар билан айтганда, сизнинг

имкониятларингиз чегараланмаган. Бундай ҳолда сиз ўзингиз ва оила аъзоларингиз учун қандай ҳаёт яратишни истар эдингиз?

«Келажакдан орқага» деб аталувчи ушбу ажойиб усул катта муваффақиятларга эришаётган эркак ва аёллар томонидан доимий равишда ишлатилади. Бундай кўринишдаги фикрлар сизнинг онгингизга ва рухиятингизга жуда ҳам катта таъсир ўтказади. Ушбу усулнинг қандай ишлашини куйида кўрсатиб ўтамиз. Ўзингизни беш йил олдинга кўчиринг. Беш йил ўтди ва менинг ҳаётим ҳар томонлама идеал ҳолатда деб фараз қилинг. У қандай бўлаяпти? Сиз нима қиляпсиз? Қаерда ишляпсиз? Қанча пул ишлаб топяпсиз? Банк ҳисоб рақамингизда қанча пул бор? Ҳаёт тарзингиз қандай?

Ўзингиз учун узоқ муддатли келажакка мўлжалланган перспектив тасвир яратинг. Сизнинг фикрингизда саломатлик, бахт ва ривожланиш ҳақида қанчалик аниқ тасаввур пайдо бўлса, сиз булар томон шунчалик тез ҳаракат қиласиз ва улар ҳам сизга томон шунчалик тез ҳаракат қилади. Сиз ҳаётда нималарга интилаётганингизнинг аниқ фикрий тасвирини ярата олсангиз, сиз янада позитив бўлиб қоласиз, янада интилувчан бўласиз ҳамда бу ижобий орзуларга реал ҳаётда ҳам эришиш учун янада ишонч ва қатъият билан ҳаракат қила бошлайсиз. Натижада сиз ўзингизнинг ички табиий ижодий потенциалингизни ишга туширасиз ҳамда ўзингизнинг буюк орзуларингизга эришиш учун бир қанча оригинал ғоялар ўйлаб топасиз.

Ҳар қандай инсонда ўзининг орзулари, ниятлари ва интилишларига томон ҳаракат тенденцияси мавжуд. Ўзингизга буюк нарсалар ҳақида ўйлашга руҳсат бериб, ўзингиз ҳақингиздаги баҳони реал жиҳатдан оширасиз, ўз-ўзингизни ҳурмат қилишингиз ортади ва бу ўзингизга ўзингиз ёқишингизга, ўзингизни янада ҳурмат қилишингизга олиб келади. Бундай буюк орзулар сизнинг ўз-ўзингизга нисбатан баҳоингизни оширади ва сизда ўзингизга бўлган ишонч даражаси ортади. Улар ўз-ўзингизни ҳурмат қилишингиз даражасини орттиради ва ички ғурур ҳамда бахт сезгиларини кучайтиради. Буюк орзулар ва тасаввурларда бизни илгаригидан ҳам кўпроқ

жунбушга келтирадиган бир нима борки, улар бизни мақсад томон ҳаракат қилишга ва янада яхшироқ бўлишга ундайди.

Сиз ўзингизга ўзингиз доимий равишда беришингиз ва унга аниқ жавоб топишингиз керак бўлган бир муҳим савол мавжуд: *«Агар муваффақиятсизликка учрамаслигимни аниқ билганимда, мен фақатгина қандай бир нарсани орзу қилган бўлар эдим?»*

Агар сизга ҳаётдаги исталган бирор бир кичик ёки катта, узоқ муддатли ёки қисқа муддатли мақсаднинг амалга оширилиши учун тўлиқ кафолат (*гарантия*) берилса, сиз қайси бир мақсадни танлар эдингиз? Агар муваффақиятсизликка учрамаслигингизни аниқ билсангиз, қандай буюк мақсад ҳақида орзу қилган бўлар эдингиз?

Сизнинг интилишингиз қандайлигидан қатъий назар, уни қоғозга ёзиб олинг ва ушбу буюк орзуга эришдим деб тасаввур қила бошланг. Энди орқага, ҳозирги пайтдаги ҳолатингизга назар ташланг. Сиз жуда ҳам истаётган вақт ва ҳолатга ўтиш учун сиз томонингиздан нималар қилиниши лозим? Бунинг учун қандай қадамлар қўйишингиз керак бўлади? Ўз ҳаёт тарзингизда нималарни ўзгартиришингиз зарур? Нимадан бошлаш керак ва нималардан воз кечиш керак? У ерда (*орзуингизга эришган вақтда*) сиз кимлар билан бўлдингиз? Кимлар у ерда сиз билан бирга бўлмади? Агар сизнинг ҳаётингиз барча томондан идеал бўлиб қолган бўлса, у қандай бўлиши керак? Нимани бошқача қилиш кераклигидан қатъий назар, бугуноқ биринчи қадамни амалга оширинг.

Буюк ишлар ҳақида орзу қилмоқ – молиявий мустақилликка эришиш каби эзгу мақсадингизни амалга ошириш учун бошланғич нуқтадир. Кўпчилик инсонларнинг ҳеч қачон материал тўқисликка эриша олмаслигининг биринчи рақамли, энг асосий сабаби шундаки, улар ҳеч қачон бундай қилиш мумкинлигини ҳаёлларига келтира ҳам олмайдилар. Натижада бундай шахслар ушбу йўналишда ҳаракат ҳам қилиб кўрмайдилар. Улар пул билан боғлиқ масалаларда ҳам бироз янглишадилар, барча топганларини ҳам, баъзида ундан кўпини ҳам сарф қилиб юборадилар. Аммо сизда молиявий

муваффақият ҳақидаги улуғ орзулар пайдо бўлганда сизнинг ўзингизни ва ҳаётингизни ҳис қилишингиздаги тасаввурингиз ҳам ўзгара бошлайди. Энди сиз ҳаётингиз яхши томонга ўзгармагунча фаол ҳаракат қиласиз ва аста-секин кўзланган мақсадга эришишга ёрдам берадиган бутунлай бошқа юмушларни ҳам қила бошлайсиз. Демак, буюк ишлар ҳақида орзу қилиш – молиявий муваффақиятга эришиш ва бадавлат бўлиш учун ҳаракатнинг бошланишидир.

М А Ш Қ

Агар сизга муваффақиятга эришишга кафолат берилган тақдирда қиладиган ишларингиз (орзуларингиз) руйҳатини тузинг. Кейин улардан бирини танлаб, уни дарҳол бажаришга киришинг.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 2-СИРИ: МАҚСАДИНГИЗНИ АНИҚ ВА РАВШАН ИФОДАЛАБ ОЛИНГ

*“Аниқ мақсадли инсон энг оғир йўлдан ҳам ҳаракатланаверади.
Мақсадсиз инсон эса энг текис йўлда ҳам ҳаракат қила олмайди”
Томас Карлейл*

Ўз орзуларингизни улар унчалик аниқ кўринмаган ҳолатдаги кўринишидан қоғозда аниқ ва равшан ёзилган мақсадларга айлантинг. Эҳтимол инсоният тарихидаги буюк кашфиётлардан бири қуйидагидир: «Сиз ўзингиз энг кўп фикрлаган ҳолатга мос бўлиб қоласиз». Сиз билан ҳаётда нималар бўлишини қуйидаги икки асосий фактор аниқлаб беради: сиз нима ҳақида кўпроқ ўйлайсиз ва бу ҳақда қандай фикрлайсиз. Муваффақиятга эришган инсонлар асосан ўз мақсадлари ҳақида ўйлайдилар. Натижада улар доимий равишда бу мақсадлар сари ҳаракатландилар ва уларнинг мақсадлари ҳам доимий равишда уларга томон ҳаракатланади. Бирор-бир нарса ҳақида қанчалик кўп вақт ўйласангиз, унинг сизнинг ҳаётингиздаги ахамияти ҳам шунчалик кўп ортади. Агар сиз ўз мақсадларингиз ҳақида доимий равишда фикрласангиз, улар ҳақида гапирсангиз ва уларни кўз олдингизга келтирсангиз, сиз ҳаётда фақатгина ўзининг қийинчиликлари ва муаммолари ҳақида гапирадиган ҳамда ўйлайдиган одамга нисбатан жуда

хам кўп нарсаларга эришасиз. Қуйида сизга бадавлат бўлиш учун керакли бўлган мақсадни қўйиш ва унга эришишнинг етти босқичдан иборат бўлган кетма-кетлиги келтирилади:

Биринчидан, ҳаётингизнинг ҳар бир жабҳасида, айниқса, молиявий соҳада нималарни исташингизни аниқ ифодаланг. Кўпчилик инсонлар бу ишни ҳеч қачон қилмайдилар.

Иккинчидан, ўзингизнинг мақсадларингизни аниқ ва равшан қилиб қоғозга ёзиб қўйинг. Ўз мақсадларингизни ёзганингизда сизнинг қўлингиз ва бошингиз орасида қандайдир ажойиб учқун пайдо бўлади.

Учинчидан, ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун охириги муддатни қўйиб чиқинг. Агар баъзи бир мақсадлар мураккаброк бўлса, оралик муддатлар ҳам қўйишингиз мумкин. Ўзингиз учун мақсадга интилишга керак бўлган назорат (*масалан, қачон ва қанча*) рақамларини беринг.

Тўртинчидан, ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларнинг руйҳатини тузинг. Агар бу ишларни бажаришда мияннгизга янги ғоялар келса, уларни ҳам руйҳатингизга киритиб қўйинг.

Бешинчидан, тузилган руйҳатни ҳаракат дастурига айлантинг. Қайси ишни олдин ва қайси ишни кейинроқ қилишингизни аниқлаб олинг. Нималар муҳимрок ва нималар унчалик муҳим эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинг.

Олтинчидан, тузилган режа бўйича конкрет ҳаракатларга ўтинг. Кўпчилик ажойиб мақсадлар ва ажойиб режалар зудлик билан ҳаракат қилинмаганлик сабабли йўқ бўлиб кетганлиги жуда ҳам ачинарли ҳолатдир.

Еттинчидан, энг асосийси, ҳар куни мақсадларингизга эришиш йўлида жуда бўлмаса бироз силжиш бўлиши учун нимадир қилинг. Ҳар куни ҳаракат қилиш ҳақидаги ушбу мажбуриятни қабул қилиш сиз амалга оширмақчи бўлган ҳар қандай ишда ҳам том маънодаги муваффақиятга эришишни таъминлаб беради.

Сизга қуйидаги машқни бажаришни таклиф қиламан: Бир варақ қоғоз олинг ва унинг юқори қисмига бугунги санани қўйиб, «Мақсадлар» деб

ёзинг. Ундан сўнг, кейинги 12 ой мобайнида эришмоқчи бўлган ўнта мақсадингиз руйҳатини ёзинг. Мақсадларингизни худди бир йил ўтгандай ва мақсадингизга эришганингиз каби hozирги замонда ёзинг. Ҳар бир мақсадни унга шахсий кўриниш бериш учун «Мен» деган сўздан бошланг.

Ўзингизга кейинги йил учун ўнта мақсад руйҳатини тузганингиз захоти сиз жамиятдаги атиги 3% ни ташкил қиладиган эксклюзив аҳоли гуруҳига кирасиз. Шуниси ачинарлики, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг 97 фоизи ҳеч қачон ўз шахсий мақсадлари руйҳатини тузмаганлар. Ўнта мақсадингиз руйҳати тайёр бўлганидан сўнг, ўзингизга қуйидаги муҳим бир саволни беринг: «Ушбу руйҳатга киритилган мақсадлардан қайси бири унга эришганимдан сўнг менинг бутун ҳаётим давомида менга энг катта ижобий таъсир кўрсатади?». Ушбу саволга қандайдир жавоб берганингиздан сўнг, ўша мақсадни думалок доира ичига олиб қўйинг ва унга биринчи рақам беринг – демак, бу мақсадга етишиш сиз учун яқин келажакдаги энг асосий вазифалардан биридир. Унинг учун бажарилиш муддатини аниқланг, бу мақсадга эришиш режасини тузинг ва ушбу режа бўйича доимий равишда конкрет ишларни бажаринг. Ҳар куни иложи борича ушбу мақсадга эришиш йўлида албатта нималардир қилинг. Бу сизга ушбу муҳим мақсадга тезроқ етишишингизга ёрдам беради.

Худди шу вақтдан бошлаб, ушбу мақсад ҳақида ўйланг ва гапиринг. Белгиланган мақсадга қандай қилиб эришиш ҳақидагина ўйланг ва сўзланг. Ушбу мақсадни амалга ошириш ва реалликка айлантириш учун қилишингиз керак бўлган турли хил амаллар ҳақида доимий равишда фикрланг ва мулоҳаза қилинг. Бундай машқ сизнинг ижодий руҳингизни оширади, сиздаги интилишни кучайтиради ва аста-секинлик билан сиздаги яширин имкониятларни юзага чиқаради.

М А Ш Қ

Доимо қозоғза ёзган ҳолда фикрланг. Яхшилаб ўтириб олинг ва мақсадларингизни ёзишни бошланг ҳамда уларга эришиш учун зарур бўлган режаларни тузинг. Фақат шу биргина машқни юқорида кўрсатилгандек

тарзда бажариш сизни кейинчалик бадавлат инсонлар сафига қўйиши мумкин.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 3-СИРИ: ФАҚАТ ЎЗИМ УЧУН ИШЛАЯПМАН ДЕБ ҲИСОБЛАНГ

*«Мен – ўз руҳиятим капитаниман,
Ва мен – ўз тақдирим хўжайиниман».*
Уильям Хенли.

Бугундан бошлаб ва бундан сўнг ўтмишда нима қилганингизга, ҳозир ким эканлигингизга ва кейинчалик ким бўлишингизга бўлган жавобгарликни тўла ҳажмда ва юз фойиз ўзингизга юкланг. Ўзингизнинг муаммоларингиз ва камчиликларингиз учун жавобгарликни бошқалар зиммасига юкларманг ёки бу камчиликларни қандайдир бир тарзда оқлаш учун ҳаракат қилманг. Ҳаётдаги сизга унчалик ёқмайдиган муаммолар ҳақида шикоят қилишни тўхтатинг. Бошқа инсонларни ёмонлаш ва масҳара қилиш одатидан батамом воз кечинг. Ҳаётингиздаги барча воқеа ва ҳодисалар ҳамда муаммолар учун фақат ўзингизгина жавоб берасиз. Агар сизнинг ҳаётингизда сизга ёқмайдиган ёки сиз келиша олмайдиган бирор бир муаммо бўлса, бу фақат сизга тегишли ва ушбу ҳолатни ўзгартириш фақатгина сизнинг ишингиз. Сиз ҳаётингиздаги барча ҳолат ва ҳодисалар учун ҳам масъулсиз.

Кўпчилик мамлакатлардаги инсонларнинг атиги 3% гина ўзлари учун ишляпман деб ҳисоблашади. Сиз йўл қўйишингиз мумкин бўлган энг катта хатолардан бири – ўзим учун эмас, балки бошқа бир кимса учун ишляпман деган тушунчадир. Аслида сиз доимо ўзингиз учунгина ишлайсиз. Сиз ҳозирги пайтда иш жойингиз қаерда бўлишидан қатъий назар, ҳар доим ўзингизга турли хил ҳизматлар кўрсатувчи шахсий корпорация президентисиз. Шунинг учун агар сиз фақат ўзим учун ишляпман деган фикрга таянсангиз, ўзингизда мустақил, ўзи учун фақат ўзи масъул бўлган ва ташаббускор тадбиркор менталитетини ривожлантirasиз. Натижада қандайдир ҳодисаларнинг қачон юз беришини кутиб ўтирмай, бу ҳодисаларни амалга оширилишга мажбур қиласиз. Сиз ўзингизни ўз шахсий

хаётингизнинг хўжайини сифатида кўра бошлайсиз. Демак, сиз хаётингизнинг барча жабҳаларига, жумладан, соғлиғингизга, молиявий ҳолатингизга, бошқалар билан ўзаро муносабатларингизга, хаёт тарзингизга, уйингизга ва машинангизга ўзингизни батамом масъул деб биласиз. Худди шулар ўз кучи, ақли ва меҳнати туфайли бадавлат бўлган инсонларнинг рухий ҳолатидир.

Масъулликни ўз зиммаларига олган инсонлар юқори натижаларга эришишга жуда ҳам жиддий тарзда ҳаракат қиладилар. Уларда доимо юқори ташаббускорлик даражаси мавжуд бўлади. Улар мураккаб масалаларни хал қилишга интиладилар ва доимо уларнинг зиммаларига кўпроқ масъулият юкланишини сўрайдилар. Натижада бундай инсонлар ўз ташкилотларида қимматли ва ҳурматга сазовор хизматчиларга айланадилар. Улар муттасил равишда ўзларини кўпроқ жавобгарлик ва бошқарув имкониятлари бўлган раҳбарлик мансабларини эгаллаш учун тайёрлайдилар. Сиз ҳам худди шундай қилишингиз ва шу тарзда ишлашингиз керак бўлади.

Шу ерда қуйидаги савол пайдо бўлади: Агар сиз бугун ўз компаниянгни директори бўлиб қолсангиз ва ундаги барча натижалар учун жавобгарликни ўз зиммангизга олсангиз, энг аввало қандай асосий ўзгаришни амалга оширар эдингиз?

Фикрингиз қандай бўлганидан қатъи-назар, уни қоғозга ёзиб олинг, режа тузинг ва бугуноқ уни амалга оширишни бошланг. Шу амалларнинг ўзи ҳам сизнинг хаётингизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

МАШҚ

Нима учун сиз ўз молиявий мақсадларингизга эришиш учун бутун имкониятларингизни ишга солмаганингизни тушунтиришингиз ва оқлашингиз учун келтира оладиган сабабларингизнинг руйҳатини тузиб чиқинг. Сизнинг ривожланишингизни секинлаштиришга сабаб бўлган нимадир ёки кимдир борми? Жавоб қандай бўлишидан қатъи-назар, ўз хаётингиз учун барча масъулиятни ўз зиммангизга олинг ва бугуноқ ҳаракат қила бошланг!

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 4-СИРИ: ЎЗИНГИЗ СЕВГАН ИШНИ БАЖАРИНГ

«Агар сиз ўзингиз ҳақиқатан ҳам севган машғулот билан шуғуллансангиз, ҳаётда ҳеч қачон кўп ишляпман демайсиз».
Брайан Трейси.

Ўзингиз ҳақиқатан ҳам севган машғулот билан шуғулланиш молиявий муваффақиятга эришишнинг энг асосий сирларидан биридир. Демак, ҳаётдаги энг асосий вазифаларингиздан бири – ўзингизга ёқадиган ва бундан ўзингиз лаззатланадиган, бу ишни қилишга сизнинг табиий талантингиз бўлган ҳамда сиз жуда ҳам яхши бажара оладиган ишни топишдир. Ўз кучлари билан бадавлат бўлган инсонлар кўпинча табиат инъом этган имкониятлари ва кучли томонлари улар танлаган ишни бажариш учун батамом мос келган одамлардир. Шунинг учун кўпчилик бадавлат инсонлар «бирор кун ҳам жуда қаттиқ, жонимни жабборга бериб ишламадим» деб таъкидлайдилар. Демак, сиз шундай фаолият доирасини топишингиз керакки, у сизга ҳақиқатан ҳам қизиқарли бўлсин, диққатингизни жалб қила олсин, сиз унда ўз имкониятларингиз ва талантингизни бемалол ишлата олинг.

Агар сиз ўзингиз яхши кўрган иш билан шуғуллансангиз, қандайдир кучга тўласиз, сизда ўз-ўзидан янги ғоялар пайдо бўлади ва бу ишни қандай қилиб яхшироқ бажариш бўйича янги фикрлар куйилиб кела бошлайди. Шу ерда менинг сизга бир саволим бор: *«Агар сиз эртага қўққисдан миллион долларга эга бўлиб қолсангиз, бундан буён ҳам ҳозирги пайтда шуғулланаётган ишингиз билан машғул бўлаверардингизми?»*

Бу савол жуда ҳам муҳим. Аслида мен сиздан *«Агар сиз барча керакли нарсаларга эга бўлиб қолсангиз ва сизда ҳизмат турини бемалол танлаш имконияти яралса, сиз нима иш билан шуғулланар эдингиз?»* деб сўраяпман. Агар бундай миллион доллар ўз меҳнати билан бадавлат бўлган бадавлат инсоннинг қўлига тушса, у ҳозирги иши билан шуғулланаверарди. Фақат энди у бу ишни бошқачароқ қиларди ёки уни юқорироқ даражада амалга

оширарди. Бундай инсонлар ўз ишларини шунчалик яхши кўрадиларки, уни ўзгартириш ёки нафақага кетиш ҳақида ўйламайдилар ҳам.

Эҳтимол, турли хил имкониятлар мавжуд бўлган реал ҳаётдаги энг асосий муаммолардан бири – сиз қандай ишни бажаришни яхши кўришингизни танлаш ва кейинчалик ўзингизни ушбу соҳага бахш этишдир. Бу ишни сиздан бошқа ҳеч ким сиз учун бажара олмайди.

МАШҚ

Қандай машғулот сиз учун жуда ҳам қизиқарли ва нима учун сиз уни яхши кўришингизни аниқлаб олинг. Шу пайтга қадар қандай машғулот сизнинг ҳаётдаги муваффақиятингизни таъминлаб берган? Агар сизда исталган иш билан шуғулланиш имконияти бўлганида сиз ўзингиз учун улардан қайси бирини танлаган бўлар эдингиз? Буларни ўз мақсадингиз сифатида кўриб, режа тузинг ва бугуноқ кўрсатилган йўналишда ҳаракат қилишни бошланг.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 5-СИРИ: ДОИМО МУКАММАЛЛИККА

ЭРИШИШГА ИНТИЛИНГ

«Қандай фаолият доирасини танлаганингиздан қатъи-назар, ҳаётингиз сифати ўзингизни қанчалик мукамал қилишга интилганингиз билан аниқланади».
Винс Ломбарди.

Шу бугуннинг ўзидаёқ шуғулланаётган ишингизда энг яхши бўлишга ҳаракат қилишга интилинг. Нима билан шуғулланишингиздан қатъи-назар, бу соҳадаги малака ва билим бўйича юқориги 10% гуруҳга кирадиган шахслар тоифасига тааллуқли бўлишни мақсад қилиб кўйинг. Ушбу мақсадни амалга ошириш ва шуғулланаётган ишингизда энг юқори натижаларга эришиш сизнинг ҳаётингиздаги бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам муваффақиятга эришган инсонларнинг барчасини атрофдагилар танлаган соҳаларидаги энг малакали инсонлар деб тан олганлар. Сизнинг ишлаётган соҳангизда сиздан ақллиси, тиришқоғи ва сиздан малакалиси имкон борича камроқ бўлсин. Шунда муваффақиятингиз тўла кафолатланади. Ҳозирги пайтдаги юқори ўнликка мансуб бўлганлар

аввал пастки ўнликка мансубликдан бошлаганлар ва ўта ҳаракатчанликлари туфайли юқори натижаларга эришганлар. Ҳозирги пайтда муваффақиятга эришганларнинг кўпчилигининг иши аввал унчалик яхши бўлмаган. Ҳозирги пайтда ўз танлаган соҳасида биринчи ўринлардан бирида бўлган инсон авваллари охириги ўринлардан бирида бўлган. Шунинг учун ҳам кўпчилик қила олган ишни албатта сиз ҳам албатта қила оласиз ва ўз соҳангизда ажойиб мутахассис бўлиб, олий натижаларга эриша оласиз.

Муваффақиятга эришиш учун жуда ҳам ажойиб қондани келтирамиз: Сиз жуда яхши мутахассис бўлганингиздан кейингина сизнинг ҳаётингиз ҳам жуда яхши бўлади. Сизнинг мукаммаллашишингизга чегаралар бўлмагани учун ҳаётингиз янада яхши бўлишига ҳам ҳеч қандай чекловлар йўқ.

Ўз фаолият соҳангизда мукамалликка эришиш ва бу соҳадаги юқори ўнликка кириш ҳақида қарор қабул қилишингиз ҳаётингиздаги бурилиш нуқтаси бўлади. Ҳудди шу қарор ҳақиқий ва тўлақонли муваффақият калитидир. Ундан ташқари, ушбу қарор ўз-ўзини ҳурмат, ўз қадрига етиш ва шахсий ғурурнинг фундаменти ҳамдир. Агар сиз ҳақиқатан ҳам ўз соҳангиздаги биринчилардан бўлсангиз, ўзингиз ҳақингизда ҳам жуда ижобий равишда фикрлай бошлайсиз. Касбни жуда ҳам мукамал эгаллаш сизнинг шахсиятингизга ҳам ижобий таъсир қилади ва сиз бошқа инсонлар билан ҳам бошқача муомала қила бошлайсиз. Ўз соҳангиздаги энг яхши мутахассис эканлигингизни билганингиздан сўнг, сиз ўзингизни янада бахтли ва ғурурли ҳис қиласиз.

Сизнинг ўзингиздан-ўзингиз сўрайдиган ва унга албатта жавоб беришингиз лозим бўлган жуда муҳим бўлган бир савол: *«Мендаги қандай бир кўникма ёки малака мен уни мукамал равишда эгаллаган тақдиримда менинг ҳаётимга энг катта ижобий таъсир кўрсатади?»*

Албатта, барча ишларда юқори даражадаги кўникма ва малакага эга бўлиш қийин, аммо сизнинг муваффақиятга эришингиз учун муҳим бўлган бирор бир малака ёки кўникмани иложи борича мукамал ривожлантириш учун бутун куч ва имкониятларингизни ишга солишингиз мумкин. Ҳудди шу

ишни ўзингиз учун асосий мақсад қилиб олинг ва уни қоғозга ёзинг. Бажарилиш муддатини белгиланг, режа тузинг. Ундан сўнг ҳар куни муттасил равишда ишлаб, ўз танлаган фаолият соҳангизда иложи борича яхши бўлишга ҳаракат қилинг. Мукамалликка эришиш учун қабул қилинган ушбу мажбурият ҳаётингизни қанчалик ўзгартириб юборганини кўриб, сиз хайратда қоласиз. Фақатгина шу мажбуриятни қабул қилишнинг ва уни оғишмай бажаришнинг ўзигина сизни ўз меҳнати туфайли бадавлат бўлганлар сафига киритиши мумкин.

МАШҚ

Ўз жорий иш фаолиятингиздаги охириги натижа билан энг кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг асосий жойларни аниқланг. Ўз ишингизда юқори натижаларга эришиш учун ишингизнинг қайси томонларини аъло даражада бажаришингиз лозим? Сиз нимада кучли ва нималарда кучсизсиз? Бугуннинг ўзидаёқ ўз меҳнат фаолиятингизнинг шундай йўналишини танлаб олингки, унда тиришқоқлик билан ишлаш келажакда сиз учун энг катта наф бериши мумкин бўлсин.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 6-СИРИ: ИЛОЖИ БОРИЧА КЎПРОҚ ВА ТИРИШҚОҚЛИК БИЛАН ИШЛАНГ

*«Тиришқоқлик билан ишлаганим сайин,
шунчалик бахтли бўлаяпман».
Джеймс Тербер*

Ўз меҳнати туфайли бадавлат бўлган барча инсонлар жуда ҳам катта тиришқоқлик билан ишлаганлар. Улар ишхонага ҳаммадан ҳам эрта келганлар, иш вақтида бошқаларга қараганда берилиб ишлаганлар ва бошқалардан кейин уйларига кетганлар. Улар кўпчиликка ўз фаолият доираларидаги энг меҳнаткаш инсонлар бўлиб танилганлар.

Амалий фаолиятингизда «40 плюси билан» формуласини ишлатинг. Бунинг маъноси шундан иборатки, сиз ҳафтасига 40 соат яшаш учун ишлайсиз, 40 соатдан ортиқ эса муваффақиятга эришиш учун ишлайсиз. Агар 40 соатгина ишласангиз, у ҳолда бу сизга яшаш учун етади, аммо катта

муваффақиятларга ҳеч қачон эриша олмайсиз. Натижада катта молиявий ғалабага ҳам эриша олмайсиз. Сизнинг ҳамкасабаларингиз эса сизни ҳақиқатан ҳам ҳурмат қилмайдилар ва сизни юқори баҳоламайдилар. Ҳафтасига фақатгина 40 соат ишлаган ҳолингизда ўртача одамлигингизча қолиб кетаверасиз. Аммо ҳафтасига 40 соатдан ортиқ ишлаган ҳар бир соатингиз сиз учун келажакка қилинган инвестиция (*жамғарма*) бўлиб қолаверади. Агар ҳафтасига 40 соатдан ортиқ қанча миқдорда ишлаётганингизни ва бу вақтларда нима қилаётганингизни билсангиз, у ҳолда келажакда ким бўлишингизни аниқ айтиб бериш мумкин бўлади. Узун иш кунлари ва тиришқоқлик билан ишлашга ҳеч нимани алмаштириб бўлмайди. Унй миқёсида ўз меҳнатлари билан бадавлат бўлган инсонлар ҳафтасига ўртача ҳисобда 59 соатдан ишлашар экан. Баъзиларида эса бу кўрсаткич 70 ёки 80 соатга етгани ҳам кузатилган. Улар ҳафтасига 6-7 кун иш билан банд бўладилар. Уларнинг иш кунлари ҳам бошқаларникига қараганда анча узун. Агар бундай инсонлар билан учрашиш керак бўлса, уларга иш вақтидан олдин ёки иш вақтидан кейин қўнғироқ қилиш керак бўлади.

Юқоридагиларга яна бир фикрни ҳам қўшимча қилиш мумкин: ишхонада бўлган вақтингизда доимо ишланг – бекорчи ишларга чалғиманг. Агар ҳамкасабалар сиз билан чакчақлашиб, гап сотмоқчи бўлсалар, кечирим сўранг ва айтинг: *«Мен ишимни давом эттиришим керак!»*. Юқорида айтилганлар албатта уй ишларини қилмасликни, дўстлар ва ҳамкасабалар билан мулоқот қилмасликни ёки газета ва журналлар ўқимасликни англамайди. Муҳими, иш вақтида иш билан банд бўлинг. Шу бугуноқ ишхонада ҳаммадан кўра кўпроқ, тиришқоқроқ ва унумли ишлайдиган ходим бўлиш ҳақида қарор қабул қилинг ҳамда уни оғишмай амалга оширинг. Бундай мутахассис бўлиш сизга ҳаётда катта муваффақиятларга эришишингизда қимматли ёрдам бериши мумкин бўлган инсонларнинг диққат-эътиборини қаратади.

МАШҚ

Шу бугуннинг ўзидаёқ қандай қилиб ҳар куни кўпроқ ишлаш мумкинлигини таҳлил қилинг ва бунга имкон берадиган режа тузинг. Ишхонага бир соат олдин келиш ҳақида қарор қабул қилинг. Тушлик пайтида ҳам бирор бир ишни амалга оширишни одат қилинг. Иш вақти тугаганидан сўнг ҳам яна бир соат ишхонада қолиб, ишларингизни тугалланг ва кейинги кун режасини тузинг. Бу стратегияни амалда доимий равишда қўллаш ҳар кунги иш кунингизни 2 соатга узайтириш оқибатида ишингиз унумдорлигини салкам икки баробарга кўпайтиради.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 7-СИРИ: БУТУН УМР ДАВОМИДА

МУТТАСИЛ ЎҚИНГ ВА ЎРГАНИНГ

«Узлуксиз ўқиш ва ўрганиш – ҳар қандай фаолият турида ҳам муваффақиятга эришишнинг энг минимал талабидир».

Деннис Уэйтли

Сизда танланган ҳар қандай фаолият турида ҳам ўқиш, ўрганиш ва ривожланиш учун жуда катта яширин имкониятлар мавжуд. Сизнинг миянгиз имкониятлари, интеллектингиз, талантингиз бутун умр ўқиш ва ўрганиш учун етиб ортади. Сиз ўзингиз ўйлагандан кўра ҳам имкониятларингиз кўпроқ ва ақлироқдирсиз. Агар сиз ўз ақлингиз имкониятларини ишга солсангиз, сиз учун ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо бўлмайди ва сиз тафаккурингизни ривожлантириш орқали ўз эзгу мақсадларингизга бемалол эриша оласиз.

Сизнинг ақлингиз худди инсон мушакларига ўхшашдир – агар у узлуксиз машқ қилаверса, янада ривожланаверади. Агар ақл ишлатилмаса, у кучдан қолиб, емирилади ва сийқалашаверади. Демак, ақлни ва тафаккурни ривожлантириш учун иложи борича кўпроқ фикрлаш, ўқиш, ўрганиш ва малака ошириш керак бўлади. Сиз қанчалик кўп ўқисангиз ва ўргансангиз, шунчалик кўпроқ нарсаларни ўрганиб оласиз. Бу ҳам худди спорт каби – қанчалик кўп шуғуллансангиз, кўрсаткичларингиз ҳам шунчалик юқори

бўлади. Бутун умр давомида ўзингизни ўқиш ва ўрганишга бағишласангиз, яна ҳам кўпроқ нарсаларни билиб оласиз ва кўпчилик мураккаб нарсаларнинг туб моҳиятига етиб оласиз. Бу эса сизга ҳаётда катта муваффақиятларга эришишга муттасил равишда ёрдам беради. Бутун умр давомида ўқиш ва ўрганишни давом эттириш учун эса қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилишингиз керак бўлади.

Биринчи қоида - ҳар куни камида 30-60 дақиқа ўз фаолият соҳангизга тегишли маълумотларни ёки китобларни (*оддий ёки электрон китобларни, интернет маълумотларини*) ўқиш, Интернетдаги, форум, блоглар, ижтимоий сайтлардаги янгиликлар билан танишиш. Ҳар куни бир соатдан ўқиш ҳафтасига битта китоб ўқишга тенг. Демак, бунда сиз йилига салкам 50 та китоб ўқиган бўласиз. Ўн йилда эса 500 та китоб ўқиган бўлиб чиқасиз. Кўпчилик инсонлар йилига 3-5 китоб ўқишини ҳисобга олсак, сиз кунига бир соатдан китоб ўқиб, уларга нисбатан жуда катта афзалликларга ва маълумотларга эга бўласиз. Натижада сиз ўз соҳангиздаги энг маълумотли, тажрибали, ҳурмат-эътиборга сазовор, юқори мансабли ва кўп пул оладиган мутахассисга айланасиз.

Иккинчи қоида – аудиокассеталарга, видеокассеталарга ёки компакт дискларга ёзилган фойдали электрон китобларни тинглаш бўлиб, бу ишни уйда бўш вақтингизда ёки автомобилда кетаётганингизда амалга оширишингиз мумкин. Бу ишни муттасил равишда амалга ошириш эса сизга ҳаётингизда жуда катта муваффақиятлар келтириши мумкин.

Учинчи қоида – сиз учун қизиқарли бўлган ва иш фаолиятингиз билан боғлиқ бўлган турли хил ўқув курслари, анжуман ва семинарларда фаол иштирок этиш. Бу сизга фаолият соҳангизга доир энг сўнгги янгиликлардан боҳабар бўлишга имкон беради. Китоблар ўқиш, электрон китоблар ва Интернет янгиликлари билан танишиш, семинарларда иштирок қилиш сизга каттадан-катта молиявий муваффақиятларга эришиш йўлида жуда муҳим бўлган малакавий ёрдам беради.

Шу бугуннинг ўзидаёк «бутун умр ўқиб-ўрганаман» деган қарор қабул қилинг. Бу иш сизнинг ажойиб муваффақиятларга эришишингизга қанчалик катта ёрдам берганини кўриб ҳайратда қоласиз. Турли хил манбаълардан фойдаланиб, узлуксиз таълим олиш сизни ўз меҳнати туфайли бадавлат бўлган инсонлар даврасига олиб кириш учун жуда муҳим фактор бўлганини албатта ҳис қиласиз.

МАШҚ

Ўз фаолият соҳангизда янада самарадор, маълумотли, билимдон ва кучли бўлишга имкон берадиган бир фанни ёки мавзуни танланг ва ўзингизнинг олдингизга ушбу фан ёки мавзу билан тўлақонли равишда танишини мақсадини қўйинг. Бу лойиҳани ўз кучингиз билан амалга оширишга ҳаракат қилинг. Кейин эса ҳар куни бу фан ёки мавзу бўйича турли китоб ва қўлланмаларни ўқинг ёки интернетдаги маълумотлар билан танишинг. Бу фан ёки мавзу билан боғлиқ турли хил электрон китобларни компьютерингизга ёзиб олинг ва уларни ўрганиб чиқинг. Танланган фан бўйича турли хил ўқув курсларига қатнашинг, Веб-сайтларни ўрганиб чиқинг (агар тил билмасангиз, Google тизимининг таржима қилиш имкониятларидан фойдаланинг), ажуман ва форумларда иштирок қилинг. Ушбу лойиҳангиз билан шундай ишлангки, худди сизнинг келажагингиз бу фанни ёки мавзуни ўрганиш билан боғлиқ бўлгандай бўлсин.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 8-СИРИ: АВВАЛО ЎЗИНГИЗГА

ТЎЛАНГ

«Ишлаб топган пулингизнинг бир қисмини албатта асраб қўйиш керак, чунки агар сиз пулни тежашни ва жамғаришни билмасангиз, у ҳолда сиз ҳеч қачон катта муваффақиятларга эриша олмайсиз».
У. Клемент-Стоун

Бутун умрингиз давомида ўз ойлик даромадингизнинг 10 фоизини олиб, сақлаб қўйиш ва уни жамғариш ҳақида шу бугуноқ қарор қабул қилинг. Ҳар бир турга мансуб иш ҳақингиз ёки бошқа турдаги даромадингиздан 10 фоизини олинг ва уни банкдаги ўзингиз учун очилган махсус жамғарма

ҳисоб рақамига ўтказиб қўйинг (*ёки бу пулга қимматбаҳо металллар, нодир тошлар ёки нодир антиквариант буюмлар сотиб олинг*). Агар сиз бутун умрингиз давомида бу ишни муттасил равишда амалга оширсангиз, нафақага чиққан вақтингизда бадавлатга айланиб қолишингиз мумкин. Агар кўпроқ пул жамғариш ва уни инвестиция қилиш имкониятларини топа олсангиз, анча тез муддатларда бадавлат инсонга айланишингиз мумкин бўлади. Лекин бутун умр давомида пулни тежаш ва уни фойдали инвестицияларга жалб қилиш жуда ҳам осон иш эмас. Бунинг учун мақсадга интилиш, собитқадамлилик ва катта ирода кучи керак бўлади. Бу ишни амалга ошириш учун уни мақсад сифатида кўриш, қоғозга ёзиб олиш, режа тузиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш учун доимий равишда ишлаш керак бўлади. Лекин кейинчалик бу иш одат тусига кириб, автоматик равишда бажарила бошлайди ҳамда бу амал сизга молиявий муваффақиятни кафолатлаб беради.

Барча ишларда пулларни жуда ҳам эҳтиёт бўлиб сарфланг. Ҳар қандай харажатни ҳам шубҳа остига олинг – ўзингиздан *«Бу менга керакми ёки йўқми?»*, деб сўранг. Ҳарид қилиш ҳақидаги ҳар бир қарорни иложи борича бир ҳафта ёки бир ойга кечиктиринг, чунки бу ораликда сизга ўйлаб кўришга етарли вақт бўлади ва товарнинг нархини биров пасайтириш имконини ҳам топа оласиз. Кўпчилик инсонларнинг нафақага камбағал бўлиб чиқишларига асосий сабаб, уларнинг ҳаридларни импульсив равишда ўйламасдан амалга оширишларидир. Улар ниманидир кўриб қолганларида кўпроқ ҳиссиётга берилдилар ва кўп ўйлаб ўтирмасдан, уни дарҳол сотиб оладилар. Натижада уларнинг пуллари савдогарларнинг кассасига осонгина ўтиб қолади. Бунда улар *«Паркинсон қонуни»* нинг таъсирига тушиб қолган бўладилар, яъни, *«Сарф-ҳаражатлар даромадга пропорционал равишда ўсадилар»*. Бунинг маъноси шундаки, сиз қанча пул топишингиздан қатъи-назар, худди шунча ёки ундан кўпроқ миқдорда сарф қиласиз. Бундай инсонлар ҳеч қачон жамғара олмайдилар ва доимий равишда қарзга ботиб ҳаёт кечирадилар.

Лекин агар сиз том маънодаги муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, зинҳор Паркинсон қонунининг таъсир доирасига тушмаслигингиз керак.

Агар сиз ўз даромадингизнинг 10 фоизини иқтисод қила олмасангиз, шу бугуннинг ўзиданок унинг жуда бўлмаганда бир фоизини махсус жамғарма ҳисоб рақамига ўтказиб қўйишни одат қилинг. Ҳар ойнинг бошида бу пулни қарзларингиздан қутулмай турибоқ, ўша ҳисоб рақамига ўтказиб қўйинг. Даромадингизнинг қолган 99 фоизига яшашга кўникинг. Бу иш амалга ошганидан сўнг жамғармангизга ўтказадиган пулингиз миқдорини 2 фоизга кўтаринг, кейинроқ эса 3 фоизга, ундан сўнг 4 фоизга ва ҳақозо тартибда ҳаракат қилинг. Сиз қанчалик кўп пулни жамғарма ҳисоб рақамингизга жўнатсангиз, келажакда молиявий мустақил бўлишингиз ва муваффақиятга эришишингиз учун шунчалик яқинлашаверасиз. Шу тарзда ҳаракат қилиб, бир йил давомида 10, 15 ёки 20 фоиз пулни иқтисод қилиб, жамғарма ҳисобингизга ўтказиб, қолган пулингизга қийналмай яшашни одат қилиб олишингиз мумкин. Бу амаллар натижасида сизнинг жамғарма-инвестицион ҳисоб рақамингиздаги пул миқдори муттасил равишда кўпая боради. Сиз эса ўз сарф-ҳаражатларингизга янада эҳтиёткор муносабатда бўлишга кўникиб, қарзларингиздан ҳам аста-секин қутула бошлайсиз. Шу тарзда икки-уч йил ҳаёт кечириб, ўз молиявий ҳаётингизни батамом назоратга оласиз ва келгусида бой-бадавлат инсон бўлиш йўлига кирасиз. Бундай ишни жиддий равишда амалга ошириш кўпчилик инсонларга молиявий муваффақият эшикларини очиб бергани учун, сиз ҳам шундай қилиб кўринг – албатта бунга ишонч ҳосил қиласиз.

МАШҚ

Шу бугуннинг ўзидан кечиктирмай, жамғарма фоизлари каттароқ бўлган бирор бир банкда ҳисоб рақами очинг ва унга озгина бўлса ҳам депозит қўйинг. Кейин эса бу ҳисоб рақамидаги пул миқдорини кўпайтириши учун сиз ўзингизда бор бўлган барча имкониятларни ишга туширинг. Бу пул миқдорини янада кўпайтириши йўллари учун молия ва пул муомаласи фанини пухта ўрганинг. Бу йўналиш бўйича мутахассислар томонидан ёзилган китоб, мақола ва журналлардаги маълумотларни ўқиб

ўрганинг. Моддий жиҳатдан мустақил бўлиш учун бир кун ҳам иқтисод қилишни, ўқиб-ўрганишни тўхтатманг.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 9-СИРИ: ЎЗ ИШИНГИЗ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎРГАНИБ ЧИҚИНГ

*«Агар сиз шуғулланаётган ишингизда юқори чўққиларга эришсангиз,
Сизга катта пул топишга ва ҳизматда кўтарилишга
ҳеч нима ҳалал бера олмайди».
Дэн Кеннеди.*

Бозор юқори сифатли ишга ва юқори унумдорликка айна мос бўлган ажойиб мукофотлар беради. Ўртача меҳнатни эса шунга мос бўлган ўртача тарзда мукофотлайди. Ўртача даражадан пастроқ бўлган ишни эса жуда ҳам паст даражада мукофотлаб, бу ишни бажарган инсонда омадсизлик ва ҳафагарчилик ҳисларини уйғотади. Шунинг учун ҳам сизнинг мақсадингиз – ўзингиз танлаган фаолият соҳасидаги барча майда-чуйда маълумотларгача тушуниб олиб, унинг ҳақиқий билимдони бўлиб олишдир. Шундагина сиз ўз ишингизни янада яхши ва сифатли тарзда бажара оласиз.

Ўз фаолиятингизга оид барча махсус журналларни диққат билан ўқиб чиқинг. Энг охири пайтларда нашр қилинган китобларни ҳам назарингиздан қочирманг. Ушбу соҳадаги билимдон ва тажрибали инсонлар томонидан ташкил қилинган ўқув курслари ва семинарларда фаол иштирок этинг ҳамда бу соҳадаги энг яхши мутахассислар билан яқин ҳамкорлик қилинг. Интернет орқали маълумот алмашиниш ва ҳамкорлик қилиш ҳам ёмон бўлмайди. Қийинчиликларни енгиш қонуни шуни уқтирадики, агар бирор бир инсон исталган соҳадаги энг кўп маълумотларни йиғса, уларни ўрганса ва ҳаётда қўллай олса, у албатта бу соҳадаги энг катта чўққиларга эриша олади. Масалан, агар сиз сотув билан шуғулланаётган бўлсангиз, у ҳолда бутун умрингиз давомида сотув жараёнини яхшилаб ўрганинг. Билимдон ва саводли савдо ходимлари оддийларига нисбатан тахминан 16-20 марта кўп пул ишлайдилар. Холбуки улар ҳам, булар ҳам бир хил иш билан шуғулланадилар. Агар сиз менежмент билан шуғулланаётган бўлсангиз, энг буюк ва билимдон ҳамда малакали менежер бўлиш ҳақида қарор қабул

килинг. Агарда сиз ўз шахсий бизнесингизни ташкил қилаётган бўлсангиз, тадбиркорлик фаолиятининг усулларини, стратегияси ва тактикасини ўрганинг ҳамда кундалик амалиётингизда янги ғоя ва усулларни доимий равишда синаб кўраверинг. Асосий мақсадингиз – ўз фаолият доирангизда ва ишингизда энг яхши мутахассис бўлиш бўлсин. Биттагина ғоя, фикр ва кичкина бир нарсани билиб олиш ҳам баъзида сизнинг ҳаётингиздаги бурилиш нуқтаси бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни ахтаришни, топишни ва синаб кўришни ҳеч қачон тўхтатманг.

МАШҚ

Ўз ишингизнинг энг асосий томонларини, нозик жиҳатларини ва бошқалардан фарқли бўлган хусусиятларини аниқланг. Келажакда ўзингиз танлаган соҳада етакчи мутахассис бўлиш учун қандай асосий маълумотларга, билимларга ёки кўникмаларга эга бўлишингиз керак? Худди шу билим ва кўникмаларга эга бўлиш ҳамда уларни янада ривожлантириш учун мос келадиган иш режасини тузинг ва мунтазам равишда ҳар куни уни ҳаётга тадбиқ қилиш устида ишланг.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 10-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАЛАР УЧУН ҲИЗМАТ ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГ

*«Агар сиз иложли борича кўпроқ инсонларга улар
истаган орзуларига эришишларига ёрдам берсангиз,
сиз ҳам ҳаётдан истаган нарсангизни олишингиз
ва орзуларингизга эришишингиз мумкин».*
Зиг Зиглер.

Ҳаётингизда эришадиган муваффақиятингиз ва мукофотланишингиз даражаси доимо сизнинг бошқа инсонларга ҳизмат қилишингиз даражасига тўғри пропорционалдир. Ўз меҳнатлари билан бой-бадавлат бўлган барча инсонларнинг асосий интилиши мижозларга сифатли ҳизмат кўрсатиш бўлган. Улар доимо ўз мижозлари эҳтиёжлари ҳақида ўйлаганлар. Улар мунтазам равишда ўз мижозларига ҳизмат кўрсатишнинг энг яхши ва оптимал усулларини қидирганлар ва бу ишни бошқалардан кўра яхшироқ бажарганлар. Шунинг учун ҳам ўзингизга-ўзингиз мунтазам равишда кўйидаги саволларни беришдан асло чарчаманг:

- *Менинг миждозларим нималарни ҳохлайдилар?*
- *Миждозларим нималарни энг яхши деб ҳисоблайдилар?*
- *Мен миждозлар учун яна нималар қила оламан?*
- *Қандай қилиб бу ишни бошқалардан кўра яхшироқ амалга ошира оламан?*
- *Нега менинг миждозларим бугун бошқалар билан мулоқот қилдилар ва мен уларни яна ўз томонимга оғдириб олиш учун нималарни таклиф қилишим мумкин?*

Сизнинг ҳаётдаги муваффақиятингиз сиздан кутилаётган ишларни бажарганингиздан сўнг яна нималар қилганингизга тўғри пропорционалдир. Шунинг учун ҳам доимо сизга тўланганидан кўра кўпроқ иш қилиш имконини топинг. Миждозларга кўпроқ эътибор қилинг ва улар учун қўшимча хизматлар кўрсатишга интилинг.

Сизнинг миждозларингиз – сизнинг танлаган соҳангиздаги муваффақиятга эришишингизга бевосита боғлиқ бўлган барча инсонлардир. Демак, миждозлар фақатгина сиз хизмат кўрсатадиган ёки сиздан бирор бир нарса сотиб оладиган инсонларгина эмас, балки улар жумласига сизнинг бошлиғингизни ва ҳамкасабаларингизни ҳам киритиш мумкин. Ундан ташқари, миждозлар доирасига муваффақияти ёки қониқиши сизга боғлиқ бўлган инсонларни ҳам киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар куни ўзингизга берадиган ва унга жавоб ахтарадиган бир муҳим савол келиб чиқади: *Миждозлар учун ўз хизматларимнинг қимматлилигини янада ошириш учун мен бугун яна нима қила оламан?*

Ҳар куни қилаётган ишингизга бирор бир янгилик киритиш ва сизга боғлиқ бўлган инсонларга сифатли хизмат кўрсатиш учун имкониятлар қидиринг. Бу изланувлар натижасида топилган қайсидир бир имконият ёки гоё сизнинг катта молиявий муваффақиятингиз сабаби бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун миждозларга хизмат кўрсатишни яхшиловчи кичик-кичик янгиликларни қидириш ва ҳаётга тадбиқ қилишни ҳеч ҳам тўхтатманг. Ҳозирги пайтда миждозлар тезкорлик билан хизмат кўрсатишни жуда юқори

баҳолайдилар. Шунинг учун мижоз бирор бир нимани сўраганда «Албатта, дарҳол бажарамиз» дейиш уларга жуда ҳам ёқимли бўлади.

МАШҚ

Компаниянгиздаги ва унинг ташқарисидagi барча энг муҳим мижозларни аниқлаб олинг. Кимлар сиз энг кўп боғлиқ бўлган одамлар жумласига киради? Кимлар сизга энг кўп даражада боғлиқ? Улар сизга яхшироқ эътибор бериши учун шу бугундан бошлаб нималар қила оласиз?

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 11-СИРИ: ЎЗИНГИЗ ВА БОШҚАЛАР БИЛАН РОСТГУЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИНГ

*«Фикр – барча турдаги бойликларнинг, барча муваффақиятларнинг ва барча буюк янгиликларнинг бошланғич манбаидир!».
Клод М.Бристол*

Сиз ўзингизда ривожлантиришингиз ўта зарур бўлган энг асосий ва барча ҳурмат қиладиган сифат – ростгуйлик ва одамийликдир. Шунинг учун ҳам барча ишларингизда – тижорат ишларида ҳам, иш жойингизда ҳам ва уйингизда ҳам одамий ва ростгуй бўлинг. Ҳеч қачон ўзингизнинг одамийлик ва ростгуйлик фазилатларингизга шубҳа туғдирадиган ҳатти-ҳаракатлар қилманг. Шундай бўлсангиз, аввало жамоада, оилада ва фарзандлар тарбиясида беқиёс муваффақиятларга эришасиз. Агар бошқалар билан бизнес фаолиятини юритиш ҳақида сўз кетганда, сизнинг сўзингиз – давлат облигацияси каби ишончга сазовор бўлади, одамийлик фазилатингиз эса барча бошқа нарсалар кўйиладиган пойдевор каби бўлади. Ҳар қандай муваффақиятли фаолият ўзаро ишончга асосланган бўлади. Сизнинг бадавлат бўлиш йўлидаги ҳатти-ҳаракатларингиз муваффақияти сизга ишонган ва сиз билан биргаликда ишлайдиган, сизнинг яхши фазилатларингизни тан оладиган, сизга керакли маблағни бериб тура оладиган, сизнинг товар ва хизматларингизни сотиб оладиган ва қийинчилик пайтларда эса сизга ёрдам бера оладиган инсонлар сони билан аниқланади. Одамийлик ва ростгуйликнинг биринчи калити - ҳеч нимани истисно қилмаган ҳолда ўз олдингизда ўзингизга-ўзингиз очик ва ойдин бўлишингиздир. Ўзингизга-

Ўзингиз ростгуй ва софдил бўлишингиз қилаётган ишингизни иложи борича яхшироқ бажаришга ундайди. Одамийлик ва ростгуйликнинг иккинчи калити - ҳаётда у ёки бу сабабга биноан учрашаётган инсонлар билан очик ва дўстона мулоқот қилишдадир. Агар бирор бир иш тўғрилигига, мақсадга мувофиқлигига ҳамда яхшилигига ишонмасангиз, у ҳақда гапирманг ва бу ишни зинҳор қилманг. Ҳеч қачон ўз одамийлигингиз ва ростгуйлигингизга доғ туширадиган ишлар билан шуғулланманг. Доимо юксак даражадаги инсонийлик нормалари асосида яшашга ҳаракат қилинг.

Сизнинг доимо ўзингизга-ўзингизга бериб туришингиз ва унга муносиб жавоб топишингиз лозим бўлган савол қуйидагича бўлиши керак: *«Агарда дунёдаги ҳар бир инсон худди мендек бўлса, менинг атрофимдаги ҳаёт қандай бўлар эди?»* Бу савол сизни юқорироқ одамийлик стандартларига риоя қилишга ундайди ва сизни бу борада янада юқори марраларни эгаллашга чақиради. Ҳар бир сўзингиз ва ҳаракатингиз универсал қонун бўлиб қоладигандек фаолият кўрсатинг. Ўзингизни худди сизни доимо ҳамма кузатиб тураётгандек ва улар ҳам сизнинг ҳатти-ҳаракатларингиздан нусха ёки қолип олаётгандек тутинг. Сизнинг ҳақгуйлигингизга нисбатан шубҳа туғилганда бунинг тагига етишга урининг ва агар бу шубҳаларда асос бўлса, буни ҳеч нимага қарамасдан тан олинг. Шундан сўнг эса ўз обруингизга путур етиш холларига асло йўл қўйманг.

М А Ш Қ

Агар ўзингиздаги одамийлик ва ҳақгуйлик принциплари асосида фаолият кўрсатсангиз, ҳаётингиздаги ҳар қандай муаммони ҳам бемалол ҳал қилишингиз мумкин. Сиздаги ушбу тамоиллар нималардан иборат? Сиз нималарга ишонасиз ва уларнинг қайси бирига риоя қиласиз? Балки сиз тушкунликка тушган ҳолатингизда бундай тамоилларнинг бирини шубҳа остига қўйган бўларсиз. Лекин нима бўлишидан қатъи-назар, ўзингиз тўғри ва асосий деб билган тамойиллардан асло четга чиқманг.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 12-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИНГ ҲАЁТДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИНГИЗНИ АНИҚЛАБ ОЛИНГ ВА БУТУН КУЧИНГИЗНИ УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИНГ

«Ўз фикрида муқим бўлмаган инсон бирор бир катта натижаларга эришиши мумкин эмас».
Фитрат

Қачонки сизда асосий вазифаларни пишиқ-пухта аниқлаб олиш ва уларни дарҳол амалга ошириш одати яхши ривожланса ҳамда бу одат тусига кирса, сиз ҳаётдаги истаган мақсадларингизга эриша олиш имкониятига эга бўлиб қоласиз. Ушбу асосий стратегияни амалга ошириш миллионлаб одамларнинг катта даромадларга, бойликка ва молиявий мустақилликка эришишларига асосий сабаблардан бири бўлган. Ўзингиз учун энг асосий вазифани танлаб олиш ва сўнгра уни амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қила олиш қобилияти сизнинг иродангиз кучини, ўзингизни бошқара олиш имкониятингизни ва табиатингиз қатъийлигининг ўлчовидир. Ўзингизда бундай одатни ҳосил қила олиш жуда ҳам қийин, аммо агарда ҳақиқатан ҳам ҳаётда катта муваффақиятларга эришишни истасангиз, буни ўрганишингиз керак бўлади.

Қуйида сизга бундай ишларни амалга ошириш режаси келтирилади. Бирор бир мақсадга эришиш йўлидаги амалий ҳаракатлардан олдин бунинг учун нима ишлар қилишингиз лозимлигини тўла руйҳат кўринишида ёзиб чиқинг. Ундан сўнг, ҳар бир амалга оширилиши керак бўлган ишларга уларнинг қанчалик муҳимлик даражасига эга эканлиги ҳақида белгилар кўйиб чиқинг. Бундай ишни бажаришда ўзингизга қуйидаги тўрт саволни беришингиз керак бўлади:

1. Ушбу руйҳатдаги ишларнинг қайси бири мен учун жуда ҳам муҳим? Ёки бошқача қилиб айтганда, мўлжаллаган ишингизда ёки бизнесингизда бошқаларга нисбатан энг муҳим таркибий қисм нималардан иборат?

2. Мўлжалланган мақсадга эришиш учун қандай конкрет масалаларни ҳал қилишим керак бўлади?
3. Нималарни фақат мен ўзим бажаришим мумкин ва улар амалга оширилган тақдирда улар қандай оқибатларга ҳамда ўзгаришларга олиб келади? Агар сиз бу ишларни амалга оширсангиз, бу сизга керакли бўлган ижобий ўзгаришлар олиб келади. Агарда буни бажармасангиз, кўзлаган мақсадингизга ҳеч қачон эриша олмайсиз.
4. Хозирда менинг вақтимни энг самарали жиҳатдан ишлатиш учун энг фойдали фаолият тури нималардан иборат? Ҳар бир вақтда бу саволга фақатгина битта жавоб бўлади. Ўз вақтингизни энг самарали тарзда ишлата олиш қобилияти – сизнинг юқори меҳнат унумдорлиги ҳамда катта молиявий муваффақиятга эришиш йўлидаги ўзига хос калитингиздир.

Шундай қилиб, энг асосий ишларни аниқлаб олинг ва улардан битта энг муҳимини 100 фоиз ҳажмда амалга ошириш йўлида тинимсиз фаолият кўрсатинг. Бунда бошқа ишларга асло чалғиманг. Бу иш батамом тугалланганидан сўнг, муҳимлик даражаси бундан кейинги ўринда турган ишни амалга оширинг ва ҳақозо. Бундай ишларни доимий равишда амалга оширишга кўникма ҳосил қилсангиз, сиз юқори даражада самарали ишлашни ҳам одат қилиб оласиз. Кейинчалик бу одат автоматик равишда амалга ошадиган бўлиб қолади ва бу сизга ҳаётингизда катта муваффақиятларга эришишни кафолатлаб беради. Шунинг ўзиёқ сизни бадавлат одам қилишга асосий сабаб бўлиши мумкин.

М А Ш Қ

Сизнинг ҳаётдаги бирор бир муҳим мақсадингизга эришишингизга ёрдам бериши мумкин бўлган ва хозирда ҳал қила олинмаган энг асосий масала ёки муаммони аниқланг. Ундан сўнг бу иш 100 фоиз бажарила бўлинмагунча ўша юмуш билан шуғулланишга ўзингизни мажбур қилинг. Агар бундай ишларни бажара олиш қобилиятингизни ривожлантира

олсангиз, у сизнинг бутун ҳаётингизни тубдан ижобий томонга ўзгартириб юборади.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 13-СИРИ: ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ ҲИЗМАТЧИ ДЕГАН ФИКР ҲОСИЛ ҚИЛДИРИНГ

«Ўз ишингизни бажаринг ва ундан салгина ошириб ҳам бажаринг – бу билан сиз ўзингизни бошқаларга меҳнатсевар деб кўрсатасиз. Бу озгина ошиқроқ ишлаш сизнинг бошқа ҳамма ишингизга нисбатан кўпроқ эътиборга сазовор бўлиши мумкин».
Дин Бриггс.

Вақт – 21 асрнинг ҳақиқий валютасидир. Ҳозирги пайтда барча инсонлар қаергадир ва нимагадир шошиладилар. Мижозлар ҳам уларга салгина тезроқ ҳизмат кўрсатадиган фирмаларни афзал кўра бошлайдилар. Шунинг учун ҳам сизнинг асосий масалангиз – тезкор ва ишончли инсон сифатида халққа танилишингиздир. Ўзингизда тезкор инсон ҳислатини ривожлантиринг ва дарҳол ҳаракат қилишга интилинг. Ҳосил бўлаётган имкониятларга тезда муносабат билдиринг. Инсонлар бирор бир нарсага муҳтож бўлсалар ёки бирор бир нима истасалар – уларнинг бу истакларни қондириш учун тезроқ ҳаракат қилинг ва бунинг орқасида маълум бир маблағ ишлаб олинг. Ниманидир бажариш керак бўлса, тезкорлик билан бу ишни бажаринг. Агарда сизнинг бошлиғингиз ёки мижозингиз сиздан ниманидир сўрасалар, барча нарсани ташланг ва бу ишни шунчалик тез бажарингки, улар ушбу тезкорликдан ҳайратда қолсинлар. Тезкор ва ҳаракатчан инсонлар ўзларига кўплаб имкониятларни жалб қила оладилар ҳамда бундан ижобий равишда фойдаланишга муваффақ бўладилар. Улар кўплаб муаммоларни хал қиладилар ва бу ишларни бошқаларга нисбатан анча тез ҳамда сифатли ҳолда амалга оширадилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг жамиятдаги мавқеларига ҳам жуда яхши таъсир кўрсатади ва уларни каттадан-катта муваффақиятлар сари етаклайди.

Агар сиз ҳозирги пайтда энг муҳим бўлган масалани танлаш ва уни тез ҳамда сифатли бажаришни уддалай олсангиз, сиз ҳаётингизда жадаллик билан обрӯ-эътибор ва муваффақиятларга эриша бошлайсиз. Сизнинг

олдингизда шундай кўп йўналишлар ва имкониятлар очила бошлайдики, улар ҳақида сиз ҳозирги пайтда тасаввур ҳам қилиб кўролмайсиз.

М А Ш Қ

Сиз бошлай олмаётган ёки охирига етказа олмаётган бирор бир муҳим муаммони танланг ва дарҳол бу иш билан шуғулланиш ҳақида қарор қабул қилинг. Юқори даражада интилиш ва тезкорликни таъминлаб берадилан тўрт сеҳрли сўзларни доимий равишда такрорланг: «Бу ишни ҳозироқ бажар! Бу ишни ҳозироқ бажар!»

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 14-СИРИ: БИР ЧЎҚҚИДАН БОШҚА ЧЎҚҚИГА КЎТАРИЛИШГА ДОИМО ТАЙЁР БЎЛИНГ

*«Ғалаба баъзида эмас – доимо келиши шарт!»
Винс Ломбарди*

Сизнинг ҳаётингиз бир чўққига кўтарилгандан сўнг, иккинчисига кўтарилиш учун яна пастга тушишга мажбур бўлган альпинист каби кўтарилиш ва пастга тушишлардан, муваффақият ва муваффақиятсизликлардан иборат бўлади. Чунки «*Ҳаёт – икки қадам олдинга ва бир қадам орқага бўлган каби жараёндир*».

Барча турдаги ишбилармонлик фаолиятининг ҳаёт тарзи ўзгарувчан қисмлардан ҳамда ўзига хос тенденциялардан иборат. Уларда ҳам кўтарилиш ва пасайиш цикллари мавжуд. Кўпинча бизнесдаги янги имконият ва тенденциялар бутун компания ёки фирмалар фаолиятининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Мисол сифатида буни биз Интернетда кўришимиз мумкин, чунки ушбу технологиянинг барча соҳаларга жадал кириб бориши самарали бизнесни қандай қилиб ташкил қилиш ғояларини ва тушунчаларини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўзингизда узоқ муддатли имкониятларни сезиш ҳиссини ривожлантиринг. Ҳар бир қилган ёки қилаётган ишингизга узоқ муддатли перспектива нуқтаи-назаридан қаранг. Икки, уч, тўрт ва беш йил олдинга мўлжалланган режалар тузинг ҳамда қисқа муддатли ўзгаришларга унчалик катта аҳамият берманг. Ҳаётдаги барча нарса ва ҳодисалар ўзгариш

тенденцияларига мойил ҳамда ўзига хос қайтарилиб туриладиган цикллардан иборатлиги ҳақида ўзингизга доимий равишда эслатиб туриш. Агар сизда уларнинг амалга ошиши учун ҳар куни мунтазам равишда ишлаётган аниқ мақсадингиз ва режаларингиз бўлса, ҳаётингиз йиллар ўтган сайин олдинга ва юқорига ҳаракат қиладиган бўлади. Бу эса сизнинг келажакдаги муваффақиятингиз гарови бўлиши аниқ.

М А Ш Қ

Ўз бизнесингиздаги асосий цикллар ва тенденцияларни аниқлаб олинг. Бозор қайси томонга қараб ҳаракат қиляпти ва ривожланаяпти? Сизнинг ишингизда нималар ўзгараёпти ва сиз бу ўзгаришларга нисбатан қандай қилиб мослашингиз керак бўлади? Келажакдаги янги дунёнинг афзалликлари ва имкониятларидан фойдаланишга тайёр бўлиш учун сиз бугун нималар қила олинган мумкин? Жавобларингиз қандай бўлишидан қатъи-назар, ушбу ишларни ҳозироқ зудлик билан амалга оширинг!

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 15-СИРИ: БАРЧА ИШЛАРИНГИЗДА ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ОДАТ ҚИЛИНГ

«Ўз-ўзини назорат қилиш - бажараётган ишингизни бу сизга ёқадими ёки йўқми, бажаришга ўзингизни мажбур қилишидир».
Эльберт Хаббард

Ўз-ўзини назорат қила олиш ва тартибга қатъий риоя қилиш – ўз меҳнати туфайли бадавлат бўлган инсонларнинг катта муваффақиятларга эришишларига сабаб бўлган жуда муҳим бир сифатидир. Агар сиз бу ишлар сизга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи-назар режалаштирилган ишларни бажаришга ўзингизни мажбур қила олсангиз, сизнинг барча орзуларингиз амалга ошиши кафолатланади. Бадавлат инсон бўлиш учун дарҳол катта пул ишлаб олишга интилмасдан, бу ишни амалга ошириш учун узоқ муддатга мўлжалланган сифатли режага эга бўлиш керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, сиз ўзингизга моддий жиҳатдан мустақил бўлиш учун узоқ муддатга мўлжалланган режа тузиб олиб, ҳар бир кунлик ҳаёт тарзини ва ҳар бир сарф-ҳаражатни келажакда ўша режани амалга оширишни кафолатлаш

учун амалга оширишингиз керак. Яъни, ушбу режада кўзда тутилган барча тадбирларни изчил равишда ҳаётга тадбиқ қилишингиз лозим.

Ўз-ўзини назорат қилиш - мустақил бўлишни, жавобгарликни батамом зиммага олишни ва қўйилган мақсадга қараб доимий равишда интилишни ўз ичига қамраб олади. Омадли ва омадсиз инсонларларнинг орасидаги асосий фарқлардан бири шундан иборатки, омадлилар омадсизлар қилишни истамайдиган ишларни бажаришни уddалай оладилар. Лекин бошқа томондан, омадсизлар қилишни истамайдиган ишларни омадлилар ҳам қилишни истамайдилар, аммо улар ҳаётда муваффақиятга эришишлари учун бу ишларни қилишга мажбур эканликларини жуда яхши тушунадилар. Бу уларнинг муваффақиятга эришиш ҳамда молиявий мустақил бўлиш учун тўлайдиган ўзига хос тўловлари эканлигини жуда ҳам яхши англайдилар. Муваффақиятли инсонлар кўпроқ уларни хурсанд қилувчи келажакдаги натижалар билан қизиқадилар, омадсизлар эса ҳозирги кунда бўлаётган ишлар билан кўпроқ қизиқадилар. Омадлилар мақсадга эришиш учун керакли бўлган ҳаракатларни амалга оширадилар, омадсизлар эса ички қийинчиликларни енгиш билан овора бўладилар. Омадлилар қийин, аммо керакли ва муҳим ишларни қиладилар, омадсизлар эса уларга дарҳол қониқиш келтирадиган осон ва ёқимли ишларни бажаришни ёқтирадилар.

Ўз-ўзини назорат қилиш жараёнининг ҳар бир ҳолати сизнинг бошқа ижобий сифатларингизни кучайтиради ва мустаҳкамлайди. Сиз ҳар гал ўз-ўзингизни назорат қилишни амалга оширганингизда сиздаги ўзингизга бўлган ҳурмат ҳиссиёти ҳам ортади. Натижада сиз ўзингизни янада севасиз ва астойдил ҳурмат қила бошлайсиз. Бу ишни қанчалик кўп марта амалга оширсангиз, сиз ҳаётдаги ва бизнесдаги турли хил янги имкониятлардан самарали фойдалана оласиз.

Эсингизда турсин, ҳаётдаги барча юз бераётган воқеа ва ҳодисалар – ўзига хос синовдан иборатдир. Ҳар сонияда, дақиқада, ҳар бир соатда, ҳар куни сиз узлуксиз равишда ўз-ўзини назорат қилиш, нималаргадир риоя қилиш, ўз-ўзингизни бошқариш, тартибли бўлиш каби синовлардан ўтасиз.

Бу синовлар натижасида сиз энг муҳим ишларни бажаришга ўзингизни мажбур қила оласизми ва улар билан шуғулланиб, ишни охирига етказа оласизми, бунга куч-қувват ва сабр топа оласизми? - каби бир канча муаммолар ҳал қилинади. Ундан ташқари, бундай синовлар сиз ўз онгингизни ўзингиз интилаётган орзулар билангина банд қила оласизми, сиз учун унчалик муҳим бўлмаган фикрлар ва гаплардан четга чиқа оласизми, ўтмишда қолиб кетган муаммолар гирдобидан воз кеча оласизми? - каби саволларга ҳам аниқлик киритади. Бундай синовларнинг ҳар биридан муваффақиятли равишда ўтганингиздан сўнг, сиз ривожланишнинг янги босқичига ўтасиз, яъни, олдинга суриласиз ва юқорига кўтариласиз.

М А Ш Қ

Доимий равишда ижобий томонга қараб ўзгаринг. Ҳаётингизнинг тартиб етишмаганлиги туфайли муваффақиятга эришиши қийинлашган қандайдир бир йўналишини аниқлаб олинг. Шу бугуноқ ҳаётингизнинг ушбу йўналишда тартибни мустаҳкамлашга имкон берадиган қарор қабул қилинг. Бунга жуда ҳам жиддий ёндошинг. Ўз қарорингиз ҳақида бошқаларга маълум қилинг. Янги одатга бутунлай кўникишингиз учун тартибни бузишга олиб келадиган ҳеч қандай сабаб ва баҳоналарни тан олманг. Фақатгина шу қарорни қабул қилишингизнинг ўзиёқ ҳаётингизга жуда ҳам катта ижобий ўзгаришлар киритиши мумкин бўлади.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 16-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИНГ ТАБИЙ ИЖОДИЙ ИМКОНИАТЛАРИНГИЗНИ УЙЎТИНГ ВА ИШГА ТУШИРИНГ

*«Тасаввур қилиши далилларга нисбатан ҳам муҳимроқдир».
Альберт Эйнштейн.*

Бу ерда биз сиз учун яна бир неча ажойиб янгиликларни билдиришимиз мумкин – сиз потенциал буюк инсон, даҳо ва генийсиз. Сиз ўзингиз тасаввур қилгандан ва ўйлагандан кўра анча ақллироқдирсиз. Сизда ҳозирги пайтгача ишлатганингиздан кўра ҳам кўпроқ миқдордаги ижодий имкониятлар ва интеллектуал қувват мавжуд. Нега бундай? Чунки бизнинг

миямизда 10 миллиарддан ортиқроқ нерв хужайралари бўлиб, уларнинг ҳар бири 20 мингта бошқа хужайралар билан нейрон ва дендридлар орқали боғланган. Бунинг маъноси шундан иборатки, бизнинг миямиздаги хужайраларнинг уланиш комбинациялари сони бутун коинотдаги молекулалар сонидан ҳам кўпроқдир. Демак, бизнинг миямиз имкониятлари шу қадар каттаки, биз уни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бизнинг муваффақият қозонишимиз ва бадавлат бўлишимиз учун керакли бўлган ғоялар ўйлаб топиш ва уларни амалга ошириш имкониятларимиз жуда ҳам кенг – яъни, улар мутлақо чексиздир, десак ҳам бўлаверади.

Сизнинг ижодий имкониятларингиз ривожланишига қуйидаги асосий уч фактор ижобий таъсир қилади:

- *Сиз интенсив равишда интиляётган мақсадлар;*
- *Тўхтатиб қўйиб бўлмайдиган ишлар таъсири;*
- *Аниқ мақсадга йўналтирилган ва фокусланган муаммо ҳамда саволлар.*

Сиз ўз онгингизни қўйилган мақсадлар томон, муаммоларни ҳал қилиш томон ёки ҳаётингизга тегишли бўлган мураккаб саволларга жавоб топишга томон қанчалик кўп йўналтирсангиз, ҳозирги пайтда шунчалик кўпроқ ижодий фикрлайдиган бўлиб қоласиз ва келажакда ҳам онгингиз сиз учун янада ёрқинроқ, аниқроқ ва яхшироқ ишлайди. Сизнинг миянгиз ва сизнинг ижодий рухингиз қандайдир мускул (*мушаклар*) тизимига ўхшаш бўлади. Уни қанчалик кўп ишлатсангиз, у шунчалик кучли ва эгилувчан бўлиб бораверади. Агар кун бўйи ижодий равишда фикрлашни одат қилсангиз, сизнинг аклий қобилятингиз ва интеллектуал коэффициентингиз янада кўпаяверади ҳамда сиз учун янги ва фойдали ғоялар ўйлаб топиш одат бўлиб қолади. Эсингизда турсин – ижодий руҳ мукаммаллашувнинг бошқача бир номидир. Сизнинг миянгизга фаолият соҳангиз билан боғлиқ бўлган янги бир ғоя ёки фикр келган пайтда сиз ўз ижодий потенциалингизнинг энг юқори чўққисида турган бўласиз. Жисмоний машқлар воситасида ўз мускулларингизни ривожлантирганингиз сингари, ақлингизни қаттиқ

ишлатган пайтда сизнинг «ақлий мушакларингиз» ҳам ривожланади. Қуйида сизга интеллектуал кувватингизни ошириш ва ичингизда ўтирган генийни озодликка чиқаришга йўналтирилган машқ келтирилади. Бунинг учун битта тоза қоғоз варағи олинг ва унинг тепа қисмида ўзингиз учун жуда муҳим бўлган мақсад ёки муаммони ёзинг. Масалан, сиз қуйидагиларни ёзишингиз мумкин: *«Қандай қилиб мен кейинги икки-уч йилларда ўз даромадимни икки марта кўпайтиришим мумкин?»* Ундан сўнг ўзингизни тартибга солган ҳолда ушбу саволга камида 20 та турли жавоблар ёзиб чиқинг. Ушбу жавоблар орасидан энг маъқулини танлаб олинг ва уни амалга ошириш учун дарҳол сайъи-ҳаракатингизни бошланг. Олинган натижалар сизни хайратга солишига биз ишонамиз!

М А Ш Қ

Ўзингизнинг четга суриб бўлмайдиган муаммоингизни ёки эришишни жуда ҳам истаган мақсадингизни қоғозга ёзиб чиқинг. Кейин ушбу муаммо ҳал бўлган деб ёки ушбу мақсадга тўла эришилган деб фараз қилинг. Бу ечим ёки эришилган мақсад қандай бўлишини тасаввур қилинг. Шундай натижаларни олиш учун сиз ҳозироқ нималар қилишингиз мумкин? Эсингизда турсин – кўзланган мақсад томон муттасил ҳаракат қилиш орқалигина барча нарсага эришиш мумкин!

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 17-СИРИ: ЎЗИНГИЗ ЁКИ ИШ ФАОЛИЯТИНГИЗ УЧУН КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНСОНЛАР БИЛАН КЎПРОҚ БИРГА БЎЛИНГ

«Беш йилдан сўнг сиз ҳудди ҳозирдагидек одам бўласиз, аммо сизда бу давр давомида учрашган инсонларингиз ва ўқиган китобларингизнинг ўзига хос таъсири ҳам бўлади».
Чарли Джонс.

Сизнинг ҳаётдаги муваффақиятларингиз ва бахтингизнинг 85 фоизидан кўпроғи шахсий ва амалий ҳаётингиздаги инсонлар билан ўзаро муносабатингиз сифатига боғлиқ бўлади. Сиз қанчалик кўп инсонларни танисангиз ва улар сизни ижобий жиҳатдан танисалар, сиз шунчалик кўпроқ муваффақиятларга эришасиз, тан олинасиз ва шунчалик тезроқ олдинга

суриласиз. Ҳаётингизнинг деярли ҳар бир бурилиш нуктасида сизнинг олдингизда сизга ёрдам берадиган ёки сизга ҳалақит берадиган одамлар пайдо бўладилар. Муваффақиятга эришган инсонлар бутун ҳаётлари давомида турли хил инсонлар билан юқори сифатли алоқалар ўрнатадилар, бу алоқаларни мустаҳкамлайдилар ва давом эттирадилар. Бошқалар эса ҳар куни кечки пайт уйларига кетадилар ва оила даврасида телевизор кўриб ёки мусиқа эшитиб ўтираверадилар. Бу эса уларни дунёқарашлари ва инсонлар билан алоқалари ўта чегараланган бўлишига олиб келади. Ҳаётдаги барча воқеа ва ҳодисалар у ёки бу томондан инсонлар орасидаги муносабатларга боғлиқ. Ҳаётингизда сиз рўбару келаётган деярли барча муаммолар сизга мос келмаган инсонлар билан номаъқул бўлган алоқаларга киришиш натижасида юзага келади. Худди шундай тарзда, ҳаётингизда эришган барча муваффақиятларингиз керакли инсонлар билан керакли вақтда ва керакли жойда ажойиб муносабатлар ўрнатилиши туфайли амалга ошади. Улар сизга баҳоли-қудрат ёрдам берадилар, сиз эса ўз навбатида уларга ҳам керакли бўлган ёрдамни кўрсатасиз. Муваффақиятнинг 90 фоизидан кўпроғи илмий тил билан айтганда, сиз мансуб бўлган «*референт гуруҳ*» томонидан аниқланилади. Бу референт гуруҳни сиз билан кўп вақт мобайнида биргаликда бўладиган ва вақтингизнинг асосий қисмини улар билан ўтказадиган инсонлар гуруҳи ташкил қилади.

Бизнинг ҳар биримиз ҳамелеонга ўхшаб (*ўз рангини шароитга қараб ўзгартирадиган махлуқ*) кўп вақт мобайнида биргаликда бўлган инсонлардан турли руҳий ҳолатларни, ўз-ўзини тутиш қоидаларини, нималаргадир ишончни, жамоа аъзолари билан мулоқот қоидаларини ва бошқа турли хил ҳолатларни ўзлаштириб оламиз. Шунинг учун агар сиз муваффақиятга эришишни истасангиз, ижобий инсонлар гуруҳи билан дўстлик алоқаларини ўрнатинг. Бахтли, оптимист, аниқ мақсадга эга, ҳаётда юқорига ва олдинга интилувчан инсонлар билан ўртоқлик алоқаларини ўрнатинг ва уни иложи борича мустаҳкамланг. Салбий, негатив, аламзада, доимо шикоятлар қилувчи ва асабий инсонлар билан мулоқотга киришишдан узоқроқ бўлинг. Чунки,

агар сиз бургутларга ўхшаб, кўкларга учмоқчи бўлсангиз, индюклар билан биргаликда бўлиш мақсадга мувофиқ эмас, албатта. Ўз меҳнати орқали бой-бадавлат бўлган инсонлар бошқалар билан доимо мулоқотда бўладилар ва бу мулоқот орқали янги ҳамда фойдали маълумотларга эга бўладилар, танишлар орттирадилар ҳамда шу туфайли янги ва перспектив бизнес йўналишлари ҳақида бошқалардан олдинроқ билиб оладилар. Улар савдо ва ишлаб чиқариш уюшмаларига кирадилар, уларнинг ҳар бир йиғилишларида фаол иштирок қилиб, ўз референт гуруҳлари ишларида фаол қатнашадилар. Улар бизнесга бағишланган учрашувлар, тақдимотлар, кўргазмалар, анжуманлар, қабул маросимларида турли хил инсонлар билан танишадилар, улар билан ташриф қарточкаларни алмашинадилар, ҳамсуҳбатларига ўзлари ҳақида, нима билан шуғулланаётганликлари тўғрисида ва нималарга қизиқишлари ҳақида сўзлаб берадилар ҳамда уларнинг ишлари билан яқиндан танишадилар. Янги инсонлар билан учрашганингизда амалга оширишингиз мумкин бўлган энг яхши стратегиялардан бирини қуйида изҳор қиламиз. Янги ҳамкорлар ёки тадбиркорлар билан учрашганда улардан қайси йўналишларда ишлашларини, нималар билан шуғулланишларини, уларнинг бизнеси нималардан иборат эканлигини сўзлаб беришларини илтимос қилинг. Айниқса, уларга истеъмолчи ёки мижозларни жўнатиш учун сизга керакли бўлган маълумотлар билан қизиқинг. Ундан сўнг, уларнинг бизнесига қандайдир бир кўринишда ёрдам бера оласизми ёки йўқми эканлигини ўрганиб чиқинг. Сиз кўпчилик олдида ниманидир оладиган инсон бўлгандан кўра, кўпроқ нимадир берадиган инсон бўлганингиз маъқул. Доимо бошқаларга қандайдир йўл билан қандайдир амалий ёрдам бериш йўлини ахтаринг. Ундан сўнггина вақти-соати келганда, бу инсонлар сизга ҳам керакли бўлган ёрдамни кўрсатишади. Инсонлар билан дўстона мулоқотга киришиш ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг яхши йўли уларнинг мақсадларига эришишларида ёрдам бериш имкониятларини ахтаришдир. Ҳеч нима талаб қилмасдан туриб, инсонларга қанча кўп нарса ёки ёрдам берсангиз, ҳурмат-эътибор орттирасиз ҳамда сизга кутилмаган

вақтда ва кутилмаган манбаълардан шунча кўплаб миқдорда ўзига хос мукофотлар келади ва ишларингиз ҳам ўз-ўзидан ривожланиб кетади.

М А Ш Қ

Хозирги пайтдаги ва келажакдаги ҳаётингиздаги энг муҳим инсонларни аниқлаб олинг. Уларнинг ишига ва шахсий ҳаётига қандай кўринишларда ёрдам бера оласиз? Нималар қилсангиз, улар ҳам сиздан миннатдор бўлишади ва шунинг учун ҳам керакли пайтларда сиздан ўз ёрдамларини аяшмайди? Яқиндан танишишингиз керак бўлган инсонлар ҳақида ҳам яхшилаб ўйлаб кўринг. Улардан ёрдам сўрамасдан аввал, улар учун нималар қила олардингиз? – шу ҳақда ҳам яхшилаб ўйлаб кўринг. Эсингизда бўлсин – қандайдир хосил олиш учун энг олдин ниманидир экиш керак бўлади!

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 18-СИРИ: ЎЗИНГИЗНИНГ СОҒЛИҒИНГИЗГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

*«Бахт калити – соғлом танда соғлом руҳлигидадир!».
Теодор Рузвельт*

Биз инсоният тарихининг энг ажойиб даврида яшайпмиз, чунки бу пайтда аҳолининг жисмоний ҳолати ва умри узунлиги олдинги пайтларга караганда анча юқори даражада бўлиб қолган. Хозирги пайтларда олдингиларга нисбатан кўпроқ ва соғлом яшаш имкониятлари мавжуд. Сиз саксон, тўқсон ёхуд юз ёшгача соғлом ҳолда яшашга ҳаракат қилишингиз керак. Агар шундай қарор қабул қилган бўлсангиз ва саломатлик учун керакли бўлган амалларга оғишмай риоя қилсангиз, бунга сизнинг кучингиз бемалол етади. Аввало, ўз олдингизга саксон ёшгача яшайман, деган мақсад кўйинг. Ундан сўнг соғлиғингизга салбий ёки ижобий таъсир кўрсатадиган хозирги одатларингизни таҳлил қилинг. Сўнгра ўзингиздан-ўзингиз сўранг: *«Хозирги пайтдаги турмуш тарзим соғлом тарзда саксон ёшгача яшаш имконини берадими?»* Сўнгра ёмон ва соғлиғингизга салбий таъсир кўрсатадиган одатларингизни ташлаб, яхшиларига ўрганинг ва буларга доимо амал қилинг. Узоқ, соғлом ва бахтли яшашнинг уч асосий қоидаси

мавжуд. Уларнинг биринчиси – танангиз вазнини маълум даражада (*нормада*) сақлаш ва ундан сўнг, ҳаётнинг қолган қисмида ҳаракатчан ҳамда жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишдир. Бу амални қуйидаги сўзлар орқали ифодалаш мумкин: *«Камроқ овқат ейиш ва кўпроқ жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш лозим»*.

Иккинчи қоида - тўғри танланган диетага риоя қилиш, яъни, энг яхши озиқ-овқат махсулотларини етарли даражада ва камроқ миқдорда истеъмол қилиш. Калорияси камроқ бўлган оқсилларни, мева ва сабзавотларни истеъмол қилинг. Рационингиздан ширин десертларни, алкогольли ва алкогольсиз ичимликларни, конфетларни ҳамда таркибида шакар бўлган барча махсулотларни чиқариб ташланг. Тузни меъёрида истеъмол қилинг ва оқ буғдой ундан тайёрланган махсулотларни еманг. Овқат ейиш порцияларини камайтиринг ва кунига одатдагидек уч маҳал ўрнига 4-5 марта кам-камдан овқатланинг. Овқатланишдаги ўз одатларингизни яхши назорат қила олсангиз, ҳаётингизнинг бошқа соҳалардаги одатларингизни назорат қилишингиз ҳам анча осон кечади.

Узоқ ва соғлом тарзда яшашнинг учинчи қоидаси – етарли хажмдаги жисмоний машқлар бажаришдир. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳар ҳафтада жисмоний машқлар бажаришга 200 дақиқа ажратиш ёки кунига ўртача миқдорда 30 дақиқадан ажратишдир. Сизга керакли бўлган жисмоний машқлар ҳажмини тўлиқ бажариш учун ҳафтасига 3-5 мартадан 30-60 дақиқа давом этадиган ҳаракатчанлик билан пиёда юришлар ҳам етарли бўлади. Агар ушбу масалага масъулият билан ёндошсангиз, у ҳолда саломатлик клубига ёзилишингиз ёки уйга тренажерлар сотиб олишингиз мумкин. Бу сизга жисмоний машқлар билан фаол ва доимий равишда шуғулланиш имконини яратади. Аъло даражадаги соғлиқ ва узоқ ҳаётнинг сири – сизнинг ҳозирги пайтдаги жисмоний тайёргарлигингиз ҳамда саломатлик ҳолатингизга мос бўлган аниқ ва равшан мақсадлар қўя олишдир. Шундан сўнг сиз ушбу мақсадларингизни амалга ошириш учун тегишли режа тузишингиз ва унга ҳар кун қатъий риоя қилишингиз керак бўлади.

Соғлиқни мустаҳкамлашга йўналтирилган бундай мажбурият ўз-ўзини назорат қила олишни, тартибга риоя қила олишни, мустаҳкам иродани ва ўзини бошқара олишни талаб қилади. Лекин олинадиган натижа – саломатлик, узоқ, соғлом ва бахтли ҳаёт маъносида ҳам жуда ажойиб бўлади. Агарда сизнинг молиявий мақсадингиз катта бойликка эришиш бўлса, саломатлик йўналишидаги мақсадингиз - иложи борича узоқ умр кўриш ва орттирган бойлигингиз гаштини суриш бўлиши керак бўлади.

М А Ш Қ

Саломатлик йўналишидаги соғлиқингизни мустаҳкамлашга ва ҳаётингиз кучингизни оширишга ҳалал берадиган ҳамда ўзингизнинг тарк этишингиз керак бўлган битта конкрет одатни аниқланг. Масалан, бу саломатликка зарар келтирадиган чекишдан, десертлардан ва шакарли махсулотлардан тамоман воз кечиш бўлиши мумкин. Бу муаммога жиддий ёндошинг ва саломатлик соҳасидаги ушбу янги одатингизни мустаҳкамлаш ва ҳаётингиз нормасига айлантириш учун чекишни, десертлар ва шакарли махсулотлар истеъмол қилиш одатини батамом тарк этишга киришинг.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 19-СИРИ: ФАОЛ, ҚАТЪИЙ ҚАРОРЛИ ВА ҲАРАКАТЧАН ИНСОН БЎЛИШГА ИНТИЛИНГ

«Тинимсиз ҳаракатчанлик ва курашиш орқали барча нарсаларга эришиш мумкин».
Уильям Шекспир

Ўз меҳнатлари орқали бадавлат бўлган инсонларнинг яна бир ажойиб хусусиятлари шундан иборатки, улар ҳозирги пайтдаги ҳолатни яхшилаб ўрганиб чиққанларидан сўнг, дархол керакли қарорларни қабул қиладилар. Улар ўзларини мақсадга томон тезда ҳаракат қилиш ва қарорларини оғишмай амалга оширишга ўргатганлар. Улар тезкорлик билан ҳаракат қилиб, ҳатти-ҳаракатлари натижаси бўлган тесқари алоқа маълумотларини оладилар ва агар янглишганларини билиб қолсалар, уни тезлик билан тузатишга интиладилар ёки ижобий натижага эришишга имкон берадиган бошқа бирор бир ҳаракат қилишга уринадилар. Сиз учун муваффақиятга эришишнинг яна бир муҳим шarti – мумкин бўлган хилма-хил бизнес имкониятларини синаб

кўришдир. Муваффақиятга эришган инсонлар доимо қарорларида қатъий бўладилар ва улар бошқа инсонларга нисбатан кўпроқ турфа хил бизнес имкониятларини синаб кўрадилар ҳамда ўта ҳаракатчан бўладилар. Эҳтимоллик назариясига кўра, сиз муваффақиятга эришиш мумкин бўлган қанча кўп усулларни синаб кўрсангиз, омадингиз келиши имкониятлари ҳам шунчалик кўпаяверади ва охир-оқибат сиз ўзингизга мос келадиган бизнесни топиб оласиз ҳамда уни тезлик билан ривожлантирасиз.

Омадсиз инсонлар беқарор бўладилар, улар нима қилишлари кераклигини билгандай бўладилар, аммо бирор бир натижага эришиш, қатъий қарорлар қабул қилиш ва фаол ҳаракат қилишга иродалари ёки рухий кучлари етмайди. Натижада улар ҳаёт қаерга йўналтирса, секинлик билан бир маромда ўша ерга кетаверадилар ва ҳеч қачон бахт, муваффақият ва омадга эришма олмайдилар. Бундай одамлар ҳеч қачон бой-бадавлат бўлиб, том маънодаги молиявий мустақилликка ва эркинликка эриша олмайдилар. Улар ўз имкониятлари даражасидаги муваффақиятларга ҳам эриша олмайдилар ва бунга индамай рози бўладилар. Қачонки сиз қатъий ва ҳаракатга йўналтирилган бўлсангиз, бутун ҳаётингизни тезлаштириб юборасиз ва муваффақиятларга тезроқ фурсатларда эришасиз. Сиз бир кун мобайнида бошқа инсонларга нисбатан кўпроқ иш қила оладиган бўлиб қоласиз. Сиз бошқаларга нисбатан тезкор ва ҳаракатчанроқ бўлиб қоласиз. Чунки сиз қувват, интилиш ва энергиянинг кучлироқ манбаъсига уланиб қоласиз ва бунинг натижасида сизда қувонч ҳамда интилувчанлик ҳам бениҳоя кучайганини сеза бошлайсиз. Ушбу позитив энергия эса сизни мақсадларингиз томон янада тезроқ ҳаракат қилдиради. Бу жуда ажойиб, шундай эмасми?

М А Ш Қ

Ўз-ўзингизга қуйидаги саволни беринг: *«Қандай биргина ҳатти-ҳаракатни хозироқ бажарсам, у менинг эришадиган натижаларимга позитив (ижобий) равишда таъсир қилади?»* Ушбу саволга жавобингиз қандай бўлишидан қатъий назар, бундай ҳаракатни дарҳол амалга оширинг!

**МУВАФФАҚИЯТНИНГ 20-СИРИ: МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК
ҚАБУЛ ҚИЛИНА ОЛИНАДИГАН ВАРИАНТ БЎЛИШИГА ҲЕЧ
ҚАЧОН ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ**

*«Кўрқувнинг ўзидан бошқа ҳеч нимадан
кўрқмаслик керак».
Франклин Д. Рузвельт.*

Муваффақиятсизликдан кўркиш – муваффақиятга эришиш йўлидаги энг катта тўсиқлардан биридир. Муваффақиятсизликнинг ўзи инсонни кучлироқ, қатъий қарорли ва мослашувчан қилади. Аммо муваффақиятсизликдан кўркиш сизнинг фикрларингиз ҳамда ҳатти-ҳаракатларингизни шол (*паралич*) қилиб қўяди ва катта муваффақиятларга эришиш мумкин бўлган ҳаракатларни ва ишларни қилишдан сизни батамом тўхтатиб қўйиши мумкин. Кунлардан бир куни ёш журналист IBM фирмасининг асосчиси бўлган Томас Дж. Уотсондан қандай қилиб тезроқ муваффақиятга эришса бўлади, деб сўради. Уотсон унга қуйидаги ажойиб сўзлар билан жавоб берди: *«Агар сиз тезроқ муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, муваффақиятсизликларингизнинг юз бериш частотасини икки баробар оширинг. Чунки муваффақият омадсизликнинг қарама-қарши, тескари томонида туради».*

Шунинг учун ҳам сиз олдинга интилишга куч, ирода ва имкон топинг, муваффақиятсизликлардан чўчиманг. Ўз меҳнатлари орқали бадавлат бўлган инсонлар яхшилаб ўйланган ва ҳар томонлама ҳисоб-китобга асосланган таваккалчиликка доимо тайёр бўладилар, чунки бу амал уларга қўйилган мақсадларига эришишга ҳамда юқорироқ фойда кўришга имкон беради. Таваккалчиликка нисбатан сиздаги рухий ҳолат сизнинг бойиб кетишга тайёрлигингизнинг энг асосий кўрсаткичидир, десак, янглишмаган бўлар эдик. Ҳар гал таваккалчилик билан боғлиқ бирор бир ҳолатга дуч келсангиз, ўзингизга қуйидаги саволни беринг: *«Агар мен олдинга юрсам, қандай энг ёмон ҳолат юз бериши мумкин?»* Кейин эса нефть соҳасидаги миллиардер Пол Геттига ўхшаб, бу энг ёмон ҳолат ҳеч қачон юз бермаслигини

кафолатлашни ўз мақсадингиз деб эълон қилинг. Ҳар ким ҳам муваффақиятсизликдан, касод бўлишдан ва камбағалликдан жуда ҳам кўрқади, албатта. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ҳато қилиб қўйишдан ва бунинг натижасида ишлари орқага кетишидан қаттиқ чўчийди. Лекин ўз меҳнати орқали бадавлат бўлган инсонлар онгли равида бундай кўрқувга карама-қарши туриб, исталган пайтда керакли ишларни амалга оширадилар. Бу ҳақда Ральф Уолдо Эмерсон бундай деб ёзган: *«Бутун ҳаётингиз давомида ўзингиз кўрққан ишларни қилишни одат қилинг. Агарда кўрққан ишларингизни қилаверсангиз, сиздаги кўрқув албатта ўлади»*

Агар сиз кўрқмасдан ҳаракат қилсангиз, сизга қандайдир кўзга кўринмас кучлар ёрдамга келади ва сизнинг кўрқув билмасдан қилган ҳар бир ишингиз сиздаги шижоатнинг ўсишига ҳамда келажакда янада кўпроқ ботирлик намоён қилишингизга олиб келади. Муваффақиятга эришишга кафолат бўлмаган ва олдинга силжишга мўлжалланган ҳар бир ҳатти-ҳаракатни амалга оширганингизда сиздаги кўрқув тобора камая боради ҳамда ўзингизга бўлган ишонч борган сари кучаяверади. Охир-оқибат шундай ҳолатга эришасизки, бунда энди сиз ҳеч нимадан кўрқмайдиган бўлиб қоласиз. Бунга нисбатан *«Аполло-13»* фильмидаги капитан Юджин Кранц жуда ҳам оғир бўлган ҳолатда айтган қуйидаги сўзларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

«Муваффақиятсизлик деган ҳолат биз учун мавжуд эмас!»

Сизнинг асосий эзгу мақсадингиз - ўз меҳнати орқали бой-бадавлат бўлган инсон бўлишдир. Бунинг учун ўз олдингизга бу билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадлар қўйишингиз, уларни ёзиб олишингиз ва ҳар куни уларга эришиш учун тиним билмай ишлашингиз лозим бўлади. Бу ишларни амалга ошираётганингизда сиз дуч келаётган муаммолардан кўрқмаслигингиз керак ва доимо ўзингизга *«Мен учун муваффақиятсизлик ҳолати мавжуд эмас!»* деб эслатиб туришингиз зарур бўлади. Бундай рухий ҳолат бошқа барча факторларга нисбатан кўпроқ миқдорда сизнинг узоқ муддатли муваффақиятингиз гарови бўлиб ҳизмат қилади.

М А Ш Қ

Кўркувнинг ўз ҳаётингиздаги энг асосий манбаъини аниқланг. Ушбу манбаъ, масалан, муваффақиятсизлик, омадсизлик ёки сизнинг ишингизни бошқалар томонидан қўллаб-қувватламаслик холлари бўлиши мумкин. Кўркув манбаъини аниқлагандан сўнг, ушбу кўркув йўқ бўлган каби ҳаракат қилишга қарор қабул қилинг. Агар сиз ўз мақсад ва орзуларингизга эришишга йўналтирилган конкрет ҳаракатлар қилсангиз, ўзингизга муваффақиятга эришиш кафолатланган деб фараз қилинг ва бунга астойдил ишонинг. Ундан сўнг эса керакли амалларни бажаринг!

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 21-СИРИ: ТИРИШҚОҚ ВА ИНТИЛУВЧАН БЎЛИНГ

*«Ҳеч нарса тиришқоқликнинг ўрнини боса олмайди.
Иқтидор унинг ўрнини боса олмайди,
чунки иқтидорли омадсизлар жуда ҳам кўплаб учрайди.
Даҳолик ҳам унинг ўрнини боса олмайди,
чунки ҳеч нимага эриша олмаган даҳолар ҳам етарли.
Билим ҳам унинг ўрнини боса олмайди,
чунки билимли қашишоқлар ҳам жуда кўп.
Фақатгина тиришқоқлик ва қатъийлик ҳар нарсага қодирдир!»
Калвин Кулидж.*

Тиришқоқлик – инсон характерининг энг асосий кўрсаткичидир. Инсонга тиришқоқлик, худди пўлатга углерод керак бўлгани каби ўта муҳимдир. Бу шунчалик муҳим кўрсаткичи, ҳаётдаги ҳар қандай муваффақият ҳам усиз амалга оширилини олинмайди. Тиришқоқликнинг ва муваффақиятнинг энг катта сирини куйидагича ифодалаш мумкин: Ўз миянгни ва онгингни омадга эришиш йулида албатта дуч келинадиган муваффақиятсизликлар ва асабийлашишлардан аввалроқ керакли тиришқоқлик даражасига мослаб қўйинг. «*Нима бўлишидан қатъий назар, ҳеч қачон таслим бўлмайман!*» - деган маънода қатъий қарор қабул қилинг ҳамда бунга албатта амал қилинг. Муаммо ёки қийинчиликлар билан тўқнашганингизда сизда буларни енгиш учун етарли бўлган тиришқоқликни ривожлантириш учун вақт бўлмайди. Аммо агар сиз бизнесингизда муваффақиятсизликлар ва қийинчиликлар бўлиши муқаррарлигини

режалаштирсангиз, уларга дуч келган пайтингизда сиз ушбу ҳолатга рухий жихатдан тайёр бўласиз ҳамда бундай ҳолатлар албатта руй беришини сиз олдиндан биласиз. Ёмон ҳолатга ёки муваффақиятсизликка дуч келинганида тиришқоқлик ва ҳаракатчанликни сақлаб қолиш ҳар қандай ишда ҳам муваффақиятни кафолатлаб берадиган ажойиб ҳислатдир. Сизнинг энг катта шахсий активингиз бошқаларга нисбатан кўпроқ тиришқоқлик қила олиш бўлиб қолиши ҳам мумкин. Нафсиламбирини айтганда, тиришқоқлик ҳислати сизнинг ўз-ўзингизга ишончингиз меъёри ва муваффақиятга эриша олишингиз кўрсаткичидир. Эсингизда турсин - бутун ҳаёт бу ўзига хос бўлган синовдан ўтишдир. Катта муваффақиятларга ва омадга эришиш учун сиз тиришқоқлик тестидан (*текширувидан*) ўтишингиз керак бўлади. Лекин бундай текширув кутилмаган пайтда сиз учун кўкқисдан амалга ошади. Мураккаб вазият исталган пайтда, исталган жойда ва кутилмаган ҳолатда юз бериши мумкин. Сиз кутилмаган қийинчиликларга дуч келган пайтингизда, турли хил кризислар пайтида ёки турмуш муаммоларини ҳал қилиш чоғида тиришқоқлик тестидан ўтасиз дейиш ҳам мумкин. Худди шундай ҳолатларда сиз атрофдагиларга ўзингизнинг ким эканлигингизни намоёниш қиласиз.

Ҳаётимизнинг доимий жиҳатларидан бири ғ доимо қайтарилиб турувчи кризислардир. Агарда сиз ҳодисалар билан тўлиқ ҳаёт кечирсангиз, ҳар икки ёки уч ойларда кризисларга дуч келасиз. Ушбу кризислар оралиғида эса майда-чуйда муаммо ва қийинчиликларга ҳам дуч келиниб турилади. Сизнинг эришмоқчи бўлган мақсадларингиз қанчалик катта бўлса ва сиз бой-бадавлат бўлиш учун қанчалик даражада қатъий қарор қабул қилган бўлсангиз, сиз шунчалик кўп муаммо, қийинчилик ва кризисларга дуч келасиз. Бунда ўзингиз бошқара олишингиз мумкин бўлган бирдан-бир фактор – пайдо бўлаётган қийинчилик ва муаммоларга ўзингизнинг муносабатингиздир. Бу ҳолатларга ижобий ва конструктив тарзда муносабатда бўлсангиз, ҳар гал сиз кучли ва яхшироқ бўла борасиз ҳамда кейинги пайдо бўлаётган муаммо ва қийинчиликларни ҳам нисбатан осонроқ ҳал қила оласиз. Охир-оқибат ҳаётингизда шундай даражага ва ҳолатга

эришасизки, энди сизни тўхтатиш мумкин бўлмай қолади. Бунда сиз худди табиатнинг бошқарувсиз қолган кучларидан бири бўлиб қоласиз, чунки энди сизни енгиб бўлмайди. Сиз қийинчиликлар қандай бўлишидан қатъий назар, ўз ўйлаганидан воз кечмайдиган ўжар инсонга айланасиз. Йўлингизда қандай қийинчиликлар учрамасин, сиз уларни ҳал қилиш, енгиш йўлини албатта топа оласиз. Исталган вазиятда ҳам сиз фақат олға интиласиз ва сизни ҳеч нима тўхтата олмайди.

М А Ш Қ

Хозирги пайтда сизнинг олдингизда турган энг мураккаб ҳаётий ҳолат нима? Бу ҳолат қандай бўлишидан қатъий назар, сиз уни ўзингиз учун фойдали сабоқ сифатида юборилган деб фараз қилинг. Бу ўзига хос дарс сабоғи мисолида сиз келажакда яна ҳам омадли бўлишни ўрганасиз. Бу дарснинг моҳияти нимада бўлиши мумкин? Бундан сўнг доимо ҳар бир қийинчиликни қандайдир фойдали сабоқ ва синов сифатида қабул қилинг ва ундан тегишли хулосалар чиқаринг. Бундай хулосалар ва сабоқлар сизнинг бой-бадавлат бўлиши йўлидаги ҳатти-ҳаракатларингизда анчагина кўмак беради. Ушбу китобни ўқиб бўлганингиздан сўнг, сизда қуйидаги хулоса ҳосил бўлиши керак:

Муваффақиятга эришишни башорат қилиш мумкин!

Ушбу китобчанинг асосий ғояси ҳам «*Муваффақиятга эришишни башорат қилиш мумкинми?*» деган саволга жавоб топиш эди. Том маънодаги муваффақият – керакли пайтда керакли жойда керакли одамлар билан учрашиш, ёғли ишга жойлашиш, омади келишлик, лоторея ютгандек тасодифий ҳолатларга ўхшаш эмас. Муваффақиятга бамисоли куёш шарқдан чиқиб, ғарбга ботгандек аниқ ва равшан қоидаларга амал қилган ҳолда эришиш мумкин. Агар сиз ушбу китобчада ёритилган ва сиз танишиб чиққан принципларга оғишмай амал қилсангиз, ҳаётда катта муваффақиятларга эришишингиз мумкин бўлади. Сиз ушбу принцип, қоида ва усулларни билмайдиган ёки уларни билса ҳам ўз амалий фаолиятида қўлламайдиган инсонларга нисбатан жуда катта афзалликларга эга бўласиз. Бундай

афзалликка эга бўлган ҳолда сиз ўз ҳаётингиз давомида шубҳасиз унинг капитани бўласиз, яъни, ғалаба қилувчилар тоифасига мансуб инсон бўлиб қоласиз. Агар сиз доимий равишда, систематик тарзда ва тиришқоқлик билан ушбу китобчада ёритилган ҳамда бошқа омадли ва бадавлат инсонлар оғишмай риоя қилаётган амалларни кам-кўстсиз бажарсангиз, ҳаётда ҳеч нима сизнинг катта муваффақиятларга эришишингизда ҳалақит бера олмайди. Сиз – ўз ҳаётингизнинг ва келажагингизнинг архитекторисиз. Сиз – ўз ҳаётингиз штурвалида ўтирибсиз, шунинг учун уни қандай қилиб бошқариш масалалари батамом сизнинг қўлингизда. Сизнинг нималар қила олишингиз, ким бўлишингиз ва нималарга эга бўла олишингизга ўзингизнинг ичингизда бўлган ва фикрловингиз туфайли пайдо бўлган чегараловлардан бошқа ҳеч қандай чегараланишлар йўқ !

Эсингизда турсин – сиз ўз йўлингизда учратган ҳар қандай инсондан ҳеч жиҳатдан ёмон эмассиз, балки ундан анча яхши ҳамсиз. Сиз – буюк ишларга қодир инсонсиз. Сизда сиз ўйлаганингиздан ва ҳозиргача ишлатганингиздан кўра кўпроқ миқдорда талант, иқтидор ва имкониятлар мавжуд. Сизнинг ичингизда ҳаётингизни ажойиб, қизиқарли ва ҳавас келтирадиган ҳолатга келтиришга имкон берувчи жуда катта потенциал мавжуд. Сизга юклатилган энг муҳим масъулият шундан иборатки, сиз мақсадларингизга эришиш йўлида буюк ишлар ҳақида орзу қилишингиз, нима қилмоқчи бўлганингизни аниқлашингиз, бу мақсадларни амалга ошириш режаларини тузишингиз, ҳаётингизда ушбу китобчада кўрсатиб ўтилган стратегияларни қўллашингиз, ҳар куни орзу ва мақсадларингизга эришишга йўналтирилган конкрет ишларни амалга оширишингиз керак бўлади ҳамда ҳеч қачон ва ҳеч қандай ҳолатда ҳам таслим бўлмаслик ҳақида қатъий қарор қабул қилишингиз зарур бўлади. Агар сиз буларнинг барчасини қилсангиз, самовий кучлар ҳам албатта сиз томонда бўлади. Сизни тўхтатиб бўлмайди ва сизга омад албатта кулиб боқади.

Adabiyotlar ruyhati

1. **Boylik qonunlari.** Abdullaev A.A. - Toshkent. “Yangi asr avlodi”, 2005
2. **Muvaffaqiyt kaliti: ETIKET.** - Toshkent. “Yangi asr avlodi”, 2004 yil
3. **Iztirob Asoratlari.** Deyl Karnegi. - Toshkent. “VORIS” nashriyoti, 2006
4. **Muomala sirlari.** Deyl Karnegi. - Toshkent. “VORIS” nashriyoti, 2005
5. **Baht va Boylik sirlari.** - Toshkent. “Yangi asr avlodi”, 2007 yil
6. **Bo'lajak millionerlarga maslahatlar.** - Toshkent. “Yangi asr avlodi”, 2005 yil
7. **Boylikka erishish yuriqlari.** – Toshkent: «Камалак», 2010 yil.
8. **Тадбиркорлик маданияти ёки бизнес этикаси асослари.** – Тошкент: «Камалак», 2009 yil.
9. **Мулоқот маданияти.** – Тошкент: «Камалак», 2008
10. **Одамийлик мулки.** Тоҳир Малик. Тошкент: “Шарқ”, 2012 йил